

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

Юрт посбонлари — мард ўғлонлари

## ОНА ВАТАНИНГНИ АСРА!

Биз оиламиз билан ушбу газетани доим ўқиб борамиз. Газета саҳифаларида "Юрт посбонлари — мард ўғлонлари", - деб аталган янги рукн очишгини сўрардим. Бу жуда хайрли ва савоб иш бўларди.

Мен бу мактубимни ўз аскарлик бурчини юртбошига, она халқига ва ота-онасига садоқатли бўлиб ўтаётган укам Дилшодбек Қобилжон ўғли Маҳмудовга ёзаяпман. Илоҳим дадажонимизнинг руҳлари сени доимо қўлласин. Дадажонимизнинг орзу-хавасларини рўёбга чиқариб, оиламиз даврасига соғ-саломат келишингни сўраб фотиҳага қўл очамиз. Сен каби юртимизнинг барча аскарларига жасур, мард, ботир, сергак, хушёр ҳамда садоқатли бўлишларини тилаб қоламан ва қуйидаги шеърни сен қатори барча аскарларга атайман.

Кувончларга тўлсин қалбингиз,  
Юртни асраш бўлсин аҳдингиз.  
Ушбу сўзни айтар опангиз,  
Сиз Ватанни асранг укажон.  
Ҳар нарсадан хоинлик ёмон,  
Мард бўлади йигит бегумон.  
Номардликка йўл берманг ҳеч он,  
Сиз Ватанни асранг укажон.  
Ўтанг дилдан аскарлик бурчин,  
Сарфланг юртга йигитлик кучин.  
Ўзбегимнинг тинчлиги учун,  
Сиз Ватанни асранг укажон.  
Қайда бўлманг Оллоҳ сизга ёр,  
Онажоним дуолари мададкор.  
Соғинч тўла шеър битди Гулнор,  
Сиз Ватанни асранг укажон.  
Касамёдни сақланг укажон.

Гулнора МАҲМУДОВА  
Андижон вилояти,  
Пахтаобод тумани



Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитасининг навбатдаги Бошқарув ва Раёсат йиғилишлари бўлиб ўтди. Уни Бош Вазир ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Д. Фуломов бошқарди.

Бошқарув йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йилнинг биринчи ярим йиллиги якунларига бағишланган йиғилишдаги "Жамиятда тadbиркорлик руҳини қарор топтириш — тараққиёт гарови" мавзуси-

ларни бажариш йўлида қатор ютуқларга эришганликлари қайд этилди. Жумладан оналар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш, ҳар томонлама, жисмоний, маънавий соғлом ва ақл-заковатли болалар камол топиши учун шарт-шароитлар яратиш юзасидан муайян ишлар амалга оширилганлиги таъкидлаб ўтилди.

Республика Хотин-қизлар кўмитасининг шу куни ўтказилган кенгайтирилган Раёсат йиғилишида Ўзбекистон Президентининг "Ўзбекис-

## АЁЛ-ОНА, БОЛА БАХТУ КАМОЛ ЙЎЛДА

даги маърузалари асосида қишлоқ хотин-қизлари ўртасида кичик ва ўрта тadbиркорликни ривожлантиришда Хотин-қизлар кўмиталарининг вазифалари ҳақидаги масала муҳокама этилди.

Йиғилишда Хотин-қизлар кўмиталари киз жувонларни тadbиркорликка кенг жалб қилиш, қишлоқ хотин-қизлари орасида кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган муаммоларни бартараф этишга катта эътибор бераётганлари қайд этилди. Ҳар бир вилоят ва туманда хотин-қизларнинг ҳуқуқий ва иқтисодий саводхонлигини оширишга қаратилган туркум семинарлар ташкил этилаётганлиги аёллар тadbиркорлигида яхши самара бераёпти.

Шунингдек бошқарув йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Она ва бола" Давлат дастурининг тегишли бандлари Тошкент шаҳри ҳамда Андижон вилояти Хотин-қизлар кўмиталари томонидан қандай бажарилаётгани ҳақидаги масала ҳам муҳокама этилди.

Йиғилишда Хотин-қизлар кўмиталари "Она ва бола" Давлат дастурида белгиланган вазифа-

тон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги Фармонини бажариш юзасидан Хотин-қизлар кўмиталарининг вазифалари ҳақидаги масала ҳам муҳокама этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Оила, оналик ва болаликни муҳофаза этиш котибияти томонидан ишлаб чиқилган "Хотин-қизлар меҳнатини ижтимоий муҳофаза этиш" дастурининг бажарилиши юзасидан Самарқанд ва Қашқадарё вилоятлари Хотин-қизлар кўмиталари томонидан амалга оширилган ишлар ҳақида ахборотлар тингланди ва мавжуд муаммоларни бартараф этиш юзасидан вазифалар белгиланди.

Раёсат йиғилишида 2001 йилнинг биринчи ярим йиллигида Республика Хотин-қизлар кўмитасига келиб тушган ариза ва шикоятлар таҳлил қилиниб, бу борадаги муаммоларни ҳал этиш юзасидан чора-тadbирлар белгиланди.

Муҳокама этилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

ЎЗ МУХБИРИМИЗ

## ЯХШИДАН БОҒ ҚОЛАДИ



Юртимизда оқил фарзанд ўстириб, бахт топган оилалар кўплаб топилди. Самарқанд вилояти Қўшрабод тумани Очил Қодиров номли давлат хўжалигида истиқомат қилувчи Зиёдулла Сиддиқов ана шундай пиру-бадавлат оила соҳибларидан бири. Турмуш ўртоғи Давлати моми билан қатор фарзандлар ўстириб, уйли-жойли қилди.

Бутун умрини ёш авлод тарбиясига бахшида этиб, ўқитувчилик қилган Зиёдулла акани ҳамқишлоқлари миришкор боғбон сифатида ҳам яхши билишди. Тиниб-тинчимасган Зиёдулла Сиддиқов фарзандларини қанотига олиб, 10 гектар ерни боғу-роғга айлантirdи. Ҳозирги кунда бу боғдаги 11 хил ўрик, 14 хил навдаги олмалар барқ уриб, киши кўзини яшнатади.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар

## ТҮЙ ТҮЙГА УЛАНДИ

Тошкент туманидаги "Хасанбой" ширкат хўжалигида яқинда ёш спортчилар учун икки минг ўринли уйингоҳ битказиб фойдаланишга топширилди.

Янги уйингоҳнинг очилиши тантаналари етти ўғлоннинг хатна тўйига уланиб кетди. Зарин тўн, дўппи кийган тўйболалар уйингоҳ бўйлаб "ГАЗ-31" энгил машинасида сайр этишди. Туман ҳокими, туман Хотин-қизлар кўмитаси, хўжалик раҳбарияти ва саховатли ҳомийлар томонидан тўйболаларнинг ҳар бирига 10 минг сўмдан қайд этилган омонат дастарчаси, қимматбаҳо совғалар топширилди.

## "БИЕННАЛЕ — 2001"

2 октябр куни Ўзбекистон Баддий академияси Кўргазмалар залида Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллигига бағишлаб "Ғарб ва Шарқ инсонпарварлигининг ягона АХБОРОТ маскани" шиори остида Халқаро "Биеннале — 2001" баддий кўргазмасининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Кўргазмада Европа, Осиё, Африка ва Америка китъасидан 18 мамлакат рассомлари ва

санъатшунослари иштирок этмоқдалар. Унда хорижий ва юрtdош рассомларнинг долзарб санъат лойиҳалари, анъанавий ранг-тасвир асарлари намойиш этилади.

Етакчи санъат устидари ва танқидчилардан иборат халқаро ҳайъат "Биеннале — 2001" кўргазмасига яқун ясаб, икки номинация бўйича совриндорлар аниқланади.

Мухтор СУЛАЙМОНОВ

## ЭКОЛОГИК ХАВФСИЗЛИККА БАҒИШЛАНДИ

Дунёнинг бир қатор мамлакатларида, шу жумладан мамлакатимизнинг айрим ҳудудларида рўй берган ва яқиндагина Америка Қўшма Штатларида содир этилган террорчилик ҳаракатлари кўлаб бегуноҳ инсонлар ҳаётига зомин бўлмоқда, дунёдаги тинчлик ва хавфсизликка, шу жумладан экологик хавфсизликка таҳдид солмоқда.

Куни кеча Тошкентда "ЭКОСАН" Халқаро жамғармаси, "ЭКОСАН" Тошкент клуби (Рим клубининг филиали) ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг кўлаб-қувватлашида "Терроризм ва экология" мавзуда халқаро конференция ўтказилди.

ЎЗ МУХБИРИМИЗ

Мурғаккина қизалоқнинг гаплари бу. Ота-онаси тирлик туриб, меҳрибонлик уйда тарбияланаётган, болаликнинг кубуноқ, пошшолик даврини эмас, ҳаётнинг аччиқ қисматини тотиб улгаётган Маҳзунанинг кўнглидан ўтган покиза ният бу...

Меҳрибонлик уйдан тайёрланган кўрсатуви кўриб, кўнглим алланечук бўлиб кетди. Болаликдан олислаб

инсон деган улғун ном билан аташга тилим бормади.) Наҳот, сиз кўзлари пирпираб турган дилбандингизга оналик меҳрини беролмасангиз?

Ахир ота-она бўлиш бахти ҳаммага ҳам насиб этавермайди-ку! Уни топтаганлар эса ҳаётнинг ёзилмаган қонундан, беаёв жазосидан қочиб кутуллолмади. Бир кун келиб ўзлари мана шу таниқ меҳрга зор бўлишади.

- Биласизми, - деди у бир куни кўнглини ёриб. - Ким билан сўрашмай, ким билан гаплашмай, «Болалар нечта бўлди», - дейишди. Қандоқ яшайсан, емоқ-ичмоғинг, кийим-кечагинг етарлими, деб қизиққанларни кўрганмисиз?

Мени молу-дунё, данғилла-мама уй қизиқтирмади, чоғроқна ховли бўлса ҳам, орқа-олдимни тўлдириб юрадиган болаларим бўлса,



раб олган боласининг келажagini ўйлаб, оиласи билан бошқа юртга кўчиб кетишди. «Боқиб олганимизни у ерда билишмайди. Боламни кўнглига ҳеч ким «ташландик» деб озор етказмасин», - деди. Бола деб мусофир бўлиб юрганига ачинмай бўлади-ми! Унга эса бунинг қизигиям йўқ...

Ҳа, оналикка етолмаганлар қанча, боласидан воз кечганлар қанча. Бир кам дунё-да! Баъзида бола сотишдан, уни тирик туриб меҳрибонлик уйларига топширишдан тап тортмайдиган, уволидан кўрмайдиганлар бор. Шуниси бизни азобга солади. Беғуноҳ норасидаларнинг катталардай фикрлаши, ёш бўла туриб ҳаётга теран кўз билан боқа олиши бизни хайратга солади. «Боламни қийналсам ҳам, ўзим боқаман», - дейиши зада бўлган юракнинг жасорати эмасми?!

Тирноққа зор аёлнинг асраб олган боласи деб ўзга юртдан паноҳ топганига нима дейсиз? Ҳа, молу-дунё, зебузыйнат, оила қувончи олди-да ҳечдир. Кўзингизни ўйнатгани билан дилингизни яйратолмайди. Оила севишни фарзанд. Онанинг тахти равони бешик олди-ю, ўчоқ ёнгинаси. Буни унуттиш эса гуноҳ...

**Зумрадхон АБДУЛЛАЕВА**

Андижон вилояти, Олтинкўл тумани

Хукукий дарсхона

ТАРБИЯГА ОЛИНГАН БОЛАЛАР

ВА УЛАРИНИНГ ХУҚУҚЛАРИ

«Оилага тарбияга берилган болалар ўзларига тегишли бўлган алимент, шунингдек пенсия, нафақа ва бошқа ижтимоий тўловларни олиш, уй-жойга бўлган мулк ҳуқуқи ёки уй-жойлардан фойдаланиш, қонун ҳужжатларига мувофиқ уй-жой олиш ҳуқуқларини сақлаб қолади», - дейилади Оила кодексининг 197- моддасида. «Оилага, тарбияга берилган болалар ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ота-онаси ва қариндошлари билан кўришиш ҳуқуқига ҳам эгадирлар. Боланинг манфаатида дахлдор ҳар қандай масала оилада ҳал қилинаётганида бола ўз фикрини билдиришга ҳақли...»

Тахририятга келган мактубларнинг бирда худди шу мавзуга оид савол берилди:

- Асраб олинган болага ота-она бўлиш қандай шартларга кўра амалга оширилади?

Кодекснинг 198-моддасида шу саволга жавоб берилган. Яъни, «Вояга етган ҳар икки жинсдаги шахслар тутинган ота-она бўлишлари мумкин, қуйидагилар бундан мустасно: «Суд томонидан муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахслар, суд томонидан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганлар ёки ота-оналик ҳуқуқи чекланган шахслар, қонун билан ўз зиммасига юклатилган мажбуриятни лозим даражада бажармаганлиги учун васийлик ёки ҳомийлик вазифаларини бажаришдан четлаштирилган шахслар, қасддан қилган жиноятлари учун илгари ҳукм қилинган шахслар, соғлигининг ҳолатига кўра болани тарбиялаш мажбуриятини бажара олмайдиган шахслар. Тутинган ота-оналарни танлаш васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан амалга оширилади. Тутинган ота-она тарбияга олинган болага нисбатан васийлик ҳуқуқ ва мажбуриятига эгадир...»

Яна бир газетхоннинг тахририятга йўллаган саволи қуйидагича:

- Болани тарбиясига олган шахслар унга нисбатан адолатсизлик қилишса, жавобгарликка тортиладими?

Албатта. Бу ҳусусда Оила кодексининг 199-моддасида шундай жумлалар бор. Яъни, «Болаларни тарбияга олган шахслар ўз ҳуқуқларидан гаразгўйлик ёки бошқа паст ниятларда, тарбиясидаги болаларга зарар келтирган ҳолда фойдалансалар, шунингдек уларни назоратсиз ҳамада зурур моддий ёрдамсиз қолдирсалар, васийлик ва ҳомийлик органи болаларни тарбияга олган шахсларни қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш масаласини кўзгатишга ҳақли...»

Бошқа бир савол эса тарбияга олинган болаларнинг турмуш шароитига оид бўлиб, газетхон: «Уларнинг турмуш шароити, қай ҳолатда, яшаётгани билан кимлар қизиқшади, бирор масъул идора бу нарсаи ўз зиммасига олганми?»-деб сўрайди. Бу ҳақда Оила кодексининг 200-моддасида таъкидланган. Унда айтилишича: «Васийлик ва ҳомийлик органлари оилага тарбияга берилган болаларнинг турмуш шароитларини ва уларнинг тарбиялаш шартини кузатиб борадилар.»

Г. ЖАМИЛОВА

# БОЛАМНИ ЎЗИМ БОҚАМАН

кетган болақонларнинг катталардай фикр юритиши мени таажубга солди.

«Бу ерда эканлигимни кўпчилик билмайди. Билса ота-онам қувўйига путур етади», дейди бўйлари анча чўзилиб қолган болакай.

«Укаларим билан биргача. Лекин барибир уйимизни, ота-онамизни соғинаман», ер чизганча сўзлайди қизалоқ.

«Боқишолмас экан, нега дунёга келтирилмади», газибни яширолмади ўсмир қиз. Болаларнинг нигоҳлари ҳам маънос сўзлайди. Ота-она меҳрига тўйиб улгурмаган норасидаларнинг сўзларидан ер титрайди, юрак титрайди.

«Катта бўлсам, боламни ўзим боқаман. Қийналсам ҳам ҳаракат қиламан», - дейди маъсума қизалоқ кўнглини бағрига босиб.

Шу қизгина ҳажжи вужуди билан оналикни ҳис қилаяпти. Қуйинчиликдан кўркмаяпти. Боласи бўлишини истаяпти.

- Сиз-чи, сиз?-дегим келадиди бекеҳ кимсаларни кўз олдимга келтириб. (Уларни

Шуни ўйлаганим сари оналик номуносив ҳолатдан таъсирланиб қачондир ёзган сатрларим яна дилимда такрорланади:

**Аёллик бахтингга нени алмашдинг, Беш кунлик дунёнинг алдовларини? Болангни бағрингдан узиб янглишдинг, Кўтаролмай унинг гавғоларини.**

**Ўйламадинг, шу чиройга маст, Парвона бўлгучи кўринди азиз.**

**Наҳот, оналикдан кетдинг бўлиб паст, Энди бу макомга эришмайсан, бас!**

Ҳа, бу ҳаёт ҳақиқати. Ҳар бир оила фарзандлар билан қароғон, ота-она билан тўқис. Кемтик бахт эса умр заволи. Онанинг тахти равони бешик олди-ю, ўчоқ ёнгинаси.

Шу ўринда болаликдаги дугонам ёдимга тушди. Кўринишдан бадавлат яшаётгани шуноққина эса-кўзидан кўриниб турган Назокат фарзандларини сўрашган билан бошқача бўлиб кетарди.

оналик бахтини кўрсам, шуниси кифоя менга, - дедию кўзидаги ёшни яширишга уринди. - Худого шукр, яшигина оилага келин бўлганман, мени тушуна оладиган йигитга йўлиқдим, фақат... Она бўлиш менга насиб этмади. Шунда ҳам умидсизланмайман. Фарзанд боқиб олмоқчиман. Турмуш ўртоғим ҳам рози. Янги туғилган қизалоқни гаплашиб қўйдим. Онасидан тилхат ҳам ёздириб олганман. Мана ўқиб кўринг, - дея тўрт буклоқлик қоғозни менга узатди.

«Сизда даъвоим йўқ. Кейинчалик ҳам фарзандим деб атамайман. Бола сизники бўлди». Тагидаги исмга кўз ташладим - Гузал. Дугонамга нима дейишни билмай қолдим.

- Шундайларга бола бергунча, тирноққа зорларга беринмайди, - деди аламини яширолмади.

Бу сўхбатга ҳам анча бўлди. Дугонамни қайтиб кўрсам, яқинда тасодифан онасини учратиб қолдим. Ҳолаҳвол сўрашдик. Дарров Назокатни сўрадим. - Эҳ қизим, дугонангиз ас-

## 4. ОИЛА БИЗНЕСИДА МАЙДА-ЧУЙДА БЎЛМАЙДИ

(Боши ўтган сонларда)

Шуни билингки, бизнесда, айниқса оила бизнесида майда-чуйданинг ўзи бўлмайди. Катта пальтонинг олдини ёпиб туриш учун кичкина тугманинг аҳамияти қанчалик муҳим бўлганидек, катта бизнесда ҳам унинг кичик элементлари ҳал қилувчи рол ўйнаши мумкин. Имкон қадар бу масалада ноанъанавий йўллари топишга ҳаракат қилинг. Бу сизнинг мустақил йўлингиз, ўзига хос шахсий усулингиз бўлсин.

Бизнес оламида сиз ҳамиша ноанъанавий янги йўл топишга ўрганиб қолгансиз. Бу сизга домий ва ишончли йўл бўлиб қолади. Бордию фаолият юргизаётган бизнесингиз инқирозга учраса, рақобатга бардош бериши қийин бўлса, сиз янги йўлдан ҳам кетаверишингиз мумкин. Чунки у сизда битта эмас, бир қанча. Агар сизнинг бизнесдаги муваффақиятга эришган усулларингизни бировлар ўрганса чўчиманг. Бизнес билан шуғулланиш учун ҳам катта қобилият керак. У усулингизни ўрганган. Лекин сиздаги қобилият унда бўлмаслиги мумкин. Сиздаги қобилиятни ҳеч ким ололмади. Тўплаган тажрибангиз ҳам ўзингизники. Яхши тўплаган тажриба ҳам жуда эътибор берадиган капитал. Зеро, бу капиталга сиз бир кунда эмас, балки йиллар давомида эришгансиз.

Бизнесда эски йўлдан юргандан кўра янги йўл очиб юрган яхшироқ. Сиз очган йўлдан миллионлаб кишилар юрадиган бўлсин.

Бизнесга бағишланган газета ва журналларга обуна бўлинг. Улар сизга беминат хизмат қилади. Бизнес оламига кириш эшигини кўрсатади. Агар шу эшик қулфланган бўлса, ушбу воситалардан унинг қалитини топасиз.

Китоб сотиб олишда пўлингизни, уни ўқишда вақтингизни аяманг. У орқали йўл йўқ жойдан пул топасиз, агар у

**Тадбиркорлик мактаби**

қоронғи бўлса ёруғ бўлади, ўнқир-чўнқир бўлса текисланади, узоқ бўлса яқинлашади.

Сизга ҳамкорларингиз каттами-кичими бизнесни тақлиф қилиши мумкин. Сиз унга эътиборсиз бўлманг. Имкон қадар обдон ўрганинг. Агар кичик ҳажмда бўлса, қўл силтаб эътиборсиз қолдириб қўйманг. Унутманг, томчилардан дарё бўлади. Сизга тақлиф қилинган бизнес жуда озгина зарар келтириши мумкин. Зарарни ҳеч маҳал оз деб қарамаг, бепарво бўлманг. Унутманг, қуриб-қуриб қўл ҳам сахро бўлади.

Оила бизнесида пайғамбаримиз Муҳаммад Алайҳиссаломнинг амал қилган тамойилларига садоқатли бўлинг. Бу учун унинг тўрт томлик ҳадиси шарифларини ўқинг.

Бизнесда инсофсизлик қилманг. Агар инсофсизлик билан бир марта ютсангиз ўн қарра ютқудан қоласиз. Ҳозирги сиз билан мулоқотда бўлаётган бизнесменлар ҳамиша ҳамкорларини обдон ўргангани. Сиз битта хатти-ҳаракатингиз билан бизнес оламида инсофсиз кимсага айланиб қоласиз. Оқибатда ҳамма сизни билганлар сизга яқинлашишдан қарар қилади. Сиз билан ҳамкорлик қилмайди. Ҳар бир ҳамкорни йўқотиш бизнесда фойдани йўқотиш дегани. Чунки ҳар бир ҳамкор билан бўладиган муносабат фойдадан иборат бўлади.

Бизнес жуда нозик соҳа. У алдашни ёқтирмайди. Ҳамиша ақл билан, тадбиркорлик билан иш тутган маъқул. Ваъдангизга вафодор, шартномангизга содиқ, ҳамкорингизга меҳрибон бўлсангиз, сиз ҳам худди шундай илтифотларга сазовор бўласиз. Бизнесда алдаган киши эртами-кечми албатта алданади. Бундан ташқари билингки, алдамчиликнинг бу фойи дунёда ҳам, охиратда ҳам жавоби бор. Сиз алдамчи бўлсангиз фарзандингиз ҳам алдамчи бўлиб ўсади. У сиз билан ҳар кун мулоқотда. У энг аввало сизни алдайди. Чунки бола уйда кўрганини қилади. Бу эса сиз учун ушбу фойи дунёнинг жазоси бўлади.

**Мамаюнус ПАРДАЕВ,** иқтисод фанлари номзоди

**Онам — Карима Мансур қизи оламдан ўтганларида ўттиз икки ёшга тўлмаган, қайнонам — Хужиста Шомаҳмуд қизи қазо қилганларида эса ўттиз икки йиллик келин эдим...**

**Оналар оила аталмиш қўтлағ даргоҳнинг маънавий муҳитини ушлаб турадиган меҳри дарё соҳибалардир. Шулар ҳақида ўйлаганимда бугунги борлигимда иккала оналаримнинг ҳиссалари тепна-тенг экан, деган хулосага келаман.**

**Уларни "Оналарим — Моҳларим" деб атагим келади. Куйидаги ҳаётий қатрлар — оналаримизнинг бизга қолдирган, бизга юқтирган боқий қадриятлари зарраларидан намунадир.**

**Раҳима ШОМАНСУР**



киришим, янги қариндошлар олди-да биринчи бор кўриниш титрабгина сўрадим. - Химоми?-ойим ўйлаб қолдилар. Кейин соддагина қилиб: «Келинларнинг ҳимралибгина чиройли юриши-да, болам! Аёлларга чоь берганингиздан кейин тўрингизни яна бошингизга илинг-у, оҳиста нимтаъзимда орқангиз билан битта-битта қадам ташлаб чиқинг, деганим-да бу. Кўпчилик ўтирган ерда чирс ўгирилиб, "тап-тап" юриб кетиш келинларга хунук кўринади...»

Айтилган жараёнлар оғим тушунтирганларидек ўтди. Охири "Хуш келибсизлар!" деб, оймлар айтмоқчи "химо" билан чиқиб кетаётиб зимдан иккала оналаримга нигоҳ ташладим. Икковларининг кўзларида бирдек ажиб нур жилваланди. Гуё мен эмас, улар келинлик имтиҳонидан ўтган эдилар! Бир давра меҳмон аёлларнинг "Хушбахт бўлинг! Илоё кўша қаринлар!" дуолари-ю олқишларига маст эдилар моҳларим!

**(Давоми бор.)**

**УЧТА ЧИТ КЎЙЛАК**

Эндигина мактабга чиққан сочлари жамалак қизалоқ эдим. Урушдан кейинги, одамлар энди ўнланаятган йиллар эди. Рамазон ҳайити ёз кунларига тўғри келди. Ойим ўша ҳайит арафасида менга бир эмас учта чит кўйлак тикиб бердилар. Уччаласи уч хил фасонда...

Мен уларнинг бирини олиб, бирини кийиб, анча вақтгача ҳовлида чирпирак бўлиб юрдим. Кувончимни чеки йўқ эди: мендан катта опаларимга оғим ҳайитга биттадан кўйлак тикиб бердилар-у, менга эса бир эмас — учта!

Бошқалардан шўхрок бўлганим учун бир мавсумга менга битта кўйлак чидамаслигига унда ақлим етмасди. Ойимлар ҳам буни

бошқача тушунтирдилар. - Биттаси — менинг яхши қизим бўлганинг учун, биттаси — укангни яхши ўйнатиб юрганинг учун, биттаси — эчкингга яхши қараганинг учун! Ажабо, учта чит кўйлак би-

**Оналарим — Моҳларим**

лан оғим мени кувонтирибгина қолмай укамга, ота-онага меҳрли бўлиш, кичикларни севиш, жониворларга ҳам бепарво бўлмаслик каби уч савобно юкларидилар. Фақат юкларига эмас, бу фазилатлар эгаси мукофотларга лойиқ бўлишига нозик ишора ҳам қилибдилар.

**"ХИМО" НИМА, ОЙИЖОН?**

Ўн беш кунлик келин эдим. Ён кўшимиз - амакимизникида тўй бўлди. Янги келин биринчи бор катта даврага

шим керак... Қалбимни ваҳима босди: қандай бўларкин?... Безовталигимни қайнона оғим сездилар шекилли, бу кунги вазифаларимни куйидагича тушунтирдилар:

- Аёлларга дастурхонни катта айвонга тузаганмиз. Тўрингизни ёпиниб, ним таъзим билан кириб бориң. Овсин опангиз ёнингизда бўладилар. Қариндошларни таништираётганда ҳаммага бир-бир эгилиб таъзим қилиң. Меҳмонларга бир пиёладан чоь бериб, секин химо билан чиқиб кетарсиз. Зинага етганингизда ҳаммага яна бир бор умумий таъзим қилиң. Оёқ остидаги қовушларни тўғри-лаб аста тушиб кетинг...

Хаммаси тушунарлику-я, бироқ «химо» билан чиқиб кетиш қандай бўларкин? - Ойижон, "химо" нима? -

кетди. "Сувсиз менга ҳаёт йўқ, онажон битта калла ташлаб келай, юрагим ёниб миям қизиб кетаяпти",- дерди. Маҳалламизда оқадиган катта ариқда чўмиларди. У ерда чўмилишга руҳсат берардим, сузишни жудаям яхши биларди. 2 ёшидан шу сувда чўмиларди. Адасиям майли ўзим сузишни билмаганимга яраша ўғлим чўмилсин, чиниксин дер эдилар.

Эҳ! Фафлатда қолдик. Ўша мудҳиш кун эрталаб уйқудан туриб: "Онажон сочингиз бир нарча ярашибдики, очилиб кетибсиз",- деди. Кўзларига қарасам доимо қулиб турадиган кўзлари маюс, мунгли эди. Шу охириги кўрганим бўлди. Фарзанд доғи ҳеч кимнинг бошига тушмасин экан, доимо орқамизда қолишин экан.

Ўғлим Рустамжон, бу дунёда пок келиб, пок кетдинг. Сени ҳар доим, ҳар дақиқа эслаб, соғиниб яшаймиз. Сенинг рўҳинг биз билан яшайди!

**Онанг Гулчехра АҲМАДЖОН қизи Тошкент**

**ФАРЗАНД ДОҒИ ЁМОН ЭКАН...**



Яхши орзу-умидлар билан турмуш қурганимга 19 йил бўлди. Бу йиллар давомиди Барноҳон, Рустамжон, Олимжон исмли фарзандлар кўрдик. Адаси билан қувончимиз чексиз эди. Лекин бахтимизга кўз теги. 2001 йил 20 август кунги оиламиз бошига оғир мусибат тушди. Севимли фарзандимиз Рустамжонни мангуга йўқотдик. Шу кунги икки ўртоғи билан тез оқар, чўқур каналга чўмилгани боришади. Ўртоғига сен биринчи бўлиб сакрагин, мен кейин узоққа сакрайман деган.

Сув жуда совуқ экан. Иккала боланинг томири тортишиб сузишга қийналишган, бақирошган. Ўртоғи кирғоққа яқин жойда бўлгани учун амаллаб чиқиб олган. Рустамжон эса сузиб кетган ва бошини темирга уриб олиб, ҳушидан кетиб чўккан. Ўртоқлари ёрдам сўраб атрофдаги одамларни чақиритган. Шу яқинда учта эркак бўлатуриб ёрдам қилини чўзмаган. Эҳ одамлар, бунча лоқайд бўлмасангиз!

Ўғлим Рустам жуда ҳам ақлли, кучли, одобли, қаддиқомати келишган, алп келбатли йигит бўлиб ўсаётган эди. Катталарни ҳурмат қиларди, керакли ёрдамни аямасди, кичикларга иззатда бўларди. Сувга камрок бориб чўмилсин деб велосипед олиб берган эдик. Ўзи ўқиган Мирзо Улуғбек туманидаги 286-мактабда намунали хулқи ва аёло ўқишлари билан ҳаммага ўрнак эди. Кўз тошини ёраб деган гап тўғри экан. Ўғлимга кўз теги.

Баъзи ўғил **Хотира - муқаддас**

болалар ўқитувчига чақимчилик қилса: "Эй сен йигитми-сан, йигит киши мард ва бир сўзли бўлади, чақимчилик қиз болаларга хос",- даяр экан. Нимадандир хафа бўлсам: "Онажон. Сиз сиқилманг хаммаси яхши бўлади",- деб, юзларимни меҳр билан силаб кўярди. "Катта бўлсам адам билан иккалагизни зиёратга олиб бораман. Сизларга чиройли уйлари қуриб бераман, кўчаларни текис асфалт қиламан, Ватанимни ёвузлардан ҳимоя қиламан. Чиройли қизга уйланаман, катта ўғлимнинг исмини Ҳидоят, кейингисини Ҳикмат деб, боқларимнинг номи билан атайман",- дерди. Агар ўғлим ҳозир ҳаёт бўлганида 3 октябр куни 12- ёшга кирар эди. Мучал тўйини қилмоқчи эдик. Орзулари бисёр эди ўғлимни. Орзулари армонга айланган болам...

Оҳ! Ўғлим пешонамга сигмади. Башафат ажал, елдай келиб селдай жонини олиб

**ЎҲҚЛАДИМ МЕН СИЗНИ — МАДАДҚОРИМНИ**

Ўтган йили баҳорнинг илк кунлари оиламиз оғир жудоликка учради. Биз учун қадрдон, меҳрибон, уйимизнинг кўргони бўлган, энг суюкли кишимиз дадажонимиздан айрилдик. Ушандан буён даярли ҳар куни отамни ёдга оламиз.

Ҳар доим сизни соғинганимда қабрингизга бораман. Сиз ўз фарзандларингизга меҳрибон, талабчан бўлсангиз-да, бирдан-бир орзуингиз бизни ўқитиб, олий маълумотли қилиш эди. Бу вақт ичида биттаммиз жамоа раҳбари, учтаммиз олий маълумотли ўқитувчи бўлиб етишдик. Бу даражага етишимиз замирида сизнинг тинимсиз меҳнатларингиз бор. Дадажоним, сиз узокни кўзлаб иш қилардингиз, ўз одобингиз билан бошқаларга ҳам қандай яшаш кераклигини ўргатардингиз. Бир кун қаттиқ оғриб қолганимда қанчалар изтироб чекганингиз ёдимда...

Талаба бўлганимда қувонганингиздан кўзларингизга ёш келганди. Ўқимини тамомлаб қўлимга диплом олган куним ҳам мени бағрингизга босиб кўзларингиздан дув-дув ёш тўкканингиз ҳамон кўз олдимда.

Назокат **НОРМУХАМЕДОВА Сирдарё вилояти Бахт шаҳри**

Дадажоним, ҳар доим рўҳингиз биз фарзандларингизни қўллаб-қувватлаб турсин. Биз фарзандларингиз эса жойингиз жаннатда бўлиб, охиратингиз оҳ бўлсин дея Оллоҳдан сўраймиз. Оҳ дадажон, то мен ҳаёт эканман, сиз ҳам ҳаётсиз. Сиз менинг юрагимда, қалбимда яшайсиз. Мен сизни ҳар кунги, ҳар лаҳза соғинаман ва хаёлан сиз билан суҳбатлашавераман...

Назокат **НОРМУХАМЕДОВА Сирдарё вилояти Бахт шаҳри**



**ЎҲЛИМ, СЕНГА АЙТАМАН**

**(Боши ўтган сонларда)**

Бағри тор она айтадики: "Кеча келиб, бугун ўғлимни ҳушидан жудо қилди-я, ўғлимнинг оғзидан оти тушмайди-я, бола туғиб бердим деб, боламини эғаллади кўйди!" Қарабсизки, келиннинг ҳамма иши ёмонга чиқаверади. Бу уйда энди ҳеч ким бутун яшамайди.

Уйланганингдан кейин эгачи-сингил, ака-укаларингиз аввалгидан кўра кўпроқ мулозаматда бўл. Кўрар кўзга ўзингизни аёлингизга эътибор бермаётгандай тут.

- Ҳайит-арафаларда сахармардондан аввал онангни йўқла, кейингина қайнонанг ва бошқаларга бор. Чўнтагингиз кўтарган энг яхши нарсани ота-онангга тортиқ қил. Онанг асло совга сўрамаса ҳам, совга келтирмаслигини тайинласа ҳам ҳеч қачон ҳузурига қуруқ борма! Боланинг қўли узатган неъмат ота-онага жаннатий роҳат беради.

- Ота-онанг қай аҳволотда бўлишидан қатъий назар орият қилма. Бемор бўлса, ҳеч кимга ишонма. Ўзинг эмас бер, ўзинг покизала! Қўлларингизда кўтариб юр, қулиб гапир, қулиб эшит. Уларнинг бу дунёда фарзандларидан, яъни сендан бошқа харидорни йўқ! Дуо қилишни билмайдиган ота-онага ҳам муҳаббат кўрсатавер, сени Яратганинг ўзи кўзларга кўтаради. Кимки кам бўлмапти, кимки азизу муқаррамдир - ота-онасидан дуо олган инсонлардир. Ота-онангни кафтингизда тутганингни болаларингиз кўриб турсин, жавобига, ўғлоним, улар сени бошларига кўтарадилар!

**ЖУФТЛИК МАСЪУЛИЯТИ**

Инсоннинг бир мўртлиги бор: мударрасига етгунча жонлиқ кетади, етган заҳоти хотиржам тортиб, эришган нарсасига талпиниши тугайди. Эру аёл ўртасида ҳам ўзаро интилиш бўлмаса, яшашнинг қизиғи қолмайди. Жуфт бўлиш дегани бир-бирига шағал мошини-надай кўнглидаги борини тўкиб солиш эмас. Ўғлоним, қулоқингизда тут, аёлингиз ёқтиришингни ҳеч қачон ўзига айтма! Шу масалада бир умр ўқилмаган китоб бўл. Ушандагина у атрофингизда айлана-варади, эътиборингни тортиш учун уринаверади, жуфтимга ёқаманми, йўқми деган савол уни безовта қилаверади, тинмай афзаллашишга тушади, қарабсанки, ҳаётинг гўзаллашади... Эркак учун ҳам, аёл учун ҳам туйғусини сир тутган жуфт мафтунқордир.

Рўзгор - бамисоли биллур гўша. Уни эҳтиётлаб, ярақлатиб, қаранглатиб, кўзингиз, ўзингни яйратиб яшайдиган ҳам — сен! Хомлик қилиб, чил-чил синдириб, синикларидан умрбор товонларингни қонатиб юрадиган ҳам - сен!

Ўғлоним, аёлингиз ёнингиздаги доимий халоскоринг, уйингизнинг устуни шириндан ширин фарзандлар берувчи мевали боғинг, пешонангни Худо қўндингиз бахт қушидир! **(Давоми бор)**

**Турсунои СОДИҚОВА**

## ЯХШИЯМКИ ЯХШИЛАР БОР...

1993 йил октябр ойида бир бутун оиламиз суд орқали "икки"га бўлинди. Шунга кўра 3 хоналик уйнинг бир хонаси менга тегишди. 1993 йил октябр ойидан то 1996 йил 10 декабргача бир уйда икки оила тариқасида яшаш келдик. Собиқ турмуш ўртоғим 1996 йил 10 декабр куни маҳалла фаолларини уйга чақириб, мендан: "Уйни бўшатсин, ўғлимни уйлантираман", - деб талаб қилди.

Мен 19 йиллик қадрдон оилам ва гўшамни тарк этиб, онам ҳовлисига — акам Мирзохид Камолхўжаев оиласи билан яшаб туришган хонадонга келдим. "Сингилжоним, сабр қилгин, имкониятдан келиб чиққан ҳолда сени уйсиз қўймайман, бир хоналик бўлса-да уй сотиб олиб бераман", - деб акам меннинг кўнглимни тинчлантирдилар.

Укам Исмоил Абдуллаев дўсти Тўлқинжоннинг волидалари — Ҳакима аямиз билан маслаҳатлашиб вақтинчалик яшашим учун ўзларининг бўш турган уйлари билан бердилар. Кейинчалик эса "Обод" маҳалла фуқаролар йиғини оиламизга бир қаровсиз кичик уйни беришди.

Бошимга оғир таъшишлар тушганда менга ёрдам берган ана шундай йиғмонли, садоқатли ва оқибатли инсонларни бир умр

эсимдан чиқармайман. Шу ўринда уларни бирма-бир таъништирсам, токим уларнинг ана шундай беминнат, саховатли ишлари барчага ибрат бўлсин.

Укам Исмоилжон, онамдек меҳрибонлик қилган Ҳакима ая ва ўғиллари Тўлқинжон, оталарча гамхўрлик қилган "Обод" маҳалласининг оқсоқоли — Маҳаммадхон Ҳайдаров, оқсоқолнинг маслаҳатчилари — Умаржон Аҳмедов, Раҳмонберди ота Мирзараҳимов, Яҳёхон Мирсолихов ва маҳалла хотин-қизлар комиссияси раиси Маълират Тожиёва ҳамда маҳалла фуқароларига одамийлик борасида мендан панду-насихатларини аямаган "Омина" масжиди Имом хатиби Авазхон Ҳожи отамиз, акам Мирзохид Камолхўжаевлар оиласига ўзимнинг миннатдорчилигимни изҳор қиламан. Бу ёрғун дунё ана шундай яхши инсонлар билан мунавав, гўзал ва мазмунлидир.

**МАНЗУРА ая**

**Тошкент шаҳри,  
Юсуфот тумани,  
"Обод" маҳалласи**



*Хатм*



*Хатм*

## БУНДАЙ ҚИЗЛАР ҚАЙДАН ПАЙДО БЎЛДИ?

Яқинда 28-троллейбусда хаёл суриб кетаётсан, навбатдаги бекатдан чиққан, бир оёғи оқсоқ (жароҳат асорати бўлса керак), ёши 70 ларда бўлган нушунтириб беришимизни, ва яна жуда кўп куракда турмайдиган сўзларни баланд овозда, ҳамма йўловчилар эшитадиган қилиб айтишни лозим топишди.

Гарчи, бу кекса онахонни аллақачон ўз жойимга ўтказиб қўйган бўлсам-да, айтилаётган ҳақоратомуз сўзлардан ўшқариб қўйган бўлгани боис яхши тушуниб етмаган бўлсам, мен жуда уялдим, орландим шундай қизларимиз борлигидан.

Троллейбусда кетаётган бир мўйсафид ота, уруш фахрийси бўлмиш кекса онахон томонини олиб, озгина маслаҳат бера бошлаган эдилар, менимча қизлар оғзидан чиқаётган сўзлардан жуда мулзам бўлиб қолдилар. Чунки, отахонга қарата ҳам аччиқ-тиззиқ сўзлар айтилди.

Ишонсангиз, бу гўзал, ширингина кўринган талаба қизларга, бошқа бирор бир киши гапиришга ботина олмади.

Оқ рўмол ўраган икки мунис онахон: "Буларга Оллоҳ бас келмаса, бандаси бас келолмайди, астафидуллоҳ", - дея ёқаларини ушладилар.

Уша куни уйга

келгач, қизларимга воқеани айтиб берсам, "Ойижон сиз кўпинча пиёда юрасиз, бундай ҳол аслида автобус, троллейбус, трамвайларда учраб туради", - дейишди. Кўшиқларда куйланадиган: "Ойида гўзал, кунданда гўзал, иболо, хаёли ўзбегимнинг қизлари", - нахот шу даражага етиб, уларга тарбия бераётган, туғиб ўстирган ота-оналарига лаънатлар эшиттиришгаётган бўлсалар?

Азизлар! Айтинг нима қилишимиз керак? Қандай қилсак, бундай ёмон иллатларнинг кўпаймасдан, ёйилмасдан, олдини олган бўламиз? Яна билмадим-у, менимча ҳеч бир ота-она фарзандига "ёмон бўлсин", - деб тарбия бермаса керак!

Мақтабларда ўқитувчи, устозлар қизларимиз учун оила дарсларини, хаёт сабоқларини ўтаётган, тарбия масаласига кучли аҳамият берилаётган бир вақтда, бундай ибосиз, хаёсиз, ўта тарбиясиз қизлар қаердан пайдо бўлмоқда?

Суюкли рўзномам "Оила ва жамият" нинг мухлислари — Сиз нима дейсиз? Ёки бу муаммо ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетади деб умид қилсамикан?

**Гулчехра ЭГАМБЕРДИЕВА  
Тошкент шаҳри**

## "ШИРИН ҚОВУНЛАР МАМЛАКАТИ" ЛИК ЮСУФБЕК ҲОЖИ

Умрзоқ ота Мирзаев билан суҳбатлашган киши қарши-сида гўёки «Ўтган кунлар романидаги ҳақиқий Юсуфбек Ҳожини тасаввур этади. Фикрининг кенглиги, ҳар бир гапни ўйлаб, мулойим гапиришлари суҳбатдошнинг қалбига илиқлик бахш этади.

Умрзоқ ота нафақага чиққунга қадар тиббиёт соҳасида виждонан меҳнат қилди. Етти ўғил, етти қизни умр йўлдоши Қундуз эна билан тарбиялаб, ўлғайтирдилар. Отанинг қанотлари бугунги кунда турли касб эгалари, замон билан ҳамнафас фарзандлар.

- Ҳозир 67 ёшдаман, - дейди отахон, - 63 пайгамбар ёшимда Курьонни Каримнинг икки китобини фар-

зандларга эсдалик қолсин деб кириллица ёзувига ўғирдим. Ёзишни бошлаганимда кўзойнак билан ҳам зўрга ёзардим. Оллоҳнинг иноятини қарангки, кўзойнаксиз Курьонни Каримни ўғирдим. Ҳозир кўзойнак тақмасдан ўқийман, ёзаман.

Ота бугунги кунда 1420 бетлик эсдаликларини ёзиб улгурибдилар. Ҳар бети бир ҳаётий дарс.

- Қўлингдан келганча яхшилиқ қилиш савоб иш, - дейди Умрзоқ ота. - Уни ҳар он ҳар киши қилишга қодир. Одамлар меҳри-муҳаббатига сазовор бўлган инсонни Оллоҳ ҳаммиша бало-қазолардан омон сақлаб қоларкан. Умрим давомида 7 марта бахтсиз ҳодисага учрадим. Инсонлар-

нинг меҳри мени ҳаётга қайтарди. Ханузгача ҳаётимда бировни ёмон кўрмаганман. Ханузгача у одам ёмон, дессалар ҳайрон қоламан.

Ота бугунги кунда шифобахш гйбхлар билан даво излаб келганларни даволамоқдалар.

Ўзбек тилида "ифтихор", деган сўз бор. Умрзоқ оталар — ўзбек юртининг ифтихорлари...

Мақолага "Ширин қовунлар мамлақати"лик деб сарлавҳа қўйганимизга ҳайрондирсиз — Умрзоқ ота Мирзаев умргуздорлик қилаётган юрт Оққула — Ширин қовунлар мамлақатида...

**Шодигул ҲУСЕНОВА,  
Нурота шаҳридаги  
18-ўрта мактаб  
директори**

## ОТАҲОНИМ — ТЕМИР ҚЎРҒОНИМ

Дунёда мен учун азиз ва мўътабар зот — отахонимга дилимда қайнаб турган хистуйғуларимни баён этмоқчиман. Отам Орифжон Юсуфов онам билан 40 йил яшаб, 4 қиз кўришган. Кенжаси — мен. Онам раҳматли 1995 йилда вафот этганлар. Тақдирни қарангки, бир ўғлим билан турмушимдан ажраб, отамникида яшагяман. Онамдан кейин катта ҳовлида отам, болам, мен — учаламиз қолдик. Отам ўғлим уч яшарлигидан тишида тишлаб катта қилиб келаяптилар. Мен тирикчилик важдан ишга қилиб кетдим. Отам мен учун ҳам ака, ҳам

ака, ҳам она, ҳам яқин дўст бўлиб қолдилар. Газетада ёш-ёш қизлар отасидан, ҳатто онасидан нолиб ёзишганини ўқиганман. Ҳайрон қоламан. Улар: "Отанг тўнғиз бўлса боғлаб бок", - деган нақлни биллишмаса керакда.

Ҳозир бир-биримизга суяниб қолганмиз. Мен мободо оғриб қолсам худди онамдек бошимда парвона бўлиб, йиғлаб ўтирадилар. Айрим сабабларга кўра орада икки йил ишламай, уйда ўтирдим. Бирор марта пул тўғрисида, йўқчилик тўғрисида гапирмадилар. Худого шукр, ҳозир ишимга

қайта тикланиб олдим. 10 октябр — отамнинг туғилган кунлари — 74 ёшга кирядилар. У кишига шундай демокчибар: "Отахон, сизни таъбаруқ ёшингиз билан 4 қиз, 13 набира, 8 чеварангиз номидан табриклайман. Сизга узоқ умр, саломатлик тилайман. Ҳамиша менинг бахтимга, неварангиз Абдукарим бахтига тинч бўлинг. Сиз менинг жондан азиз отахоним, темир қўрғоним, ўткир шамширим. Сиз онам кўрмаган невара келинларни кўриб, узоқ умр кўринг. 34 га кирган бўлса-да ҳали сиз учун ёш эркатой қизингиз —

**АНДИЖОН**

**ЗИЁДА**

## ЙИГИТЛАРГА ҚАРАГИМ КЕЛМАЙДИ

Менинг дадам 46 ёшда, аммо 70 га кирган кишилардан кўра баттарроқ қариган. Ниҳоятда хунук одам. Бунинг сабаби — арок! Мен ақлимни танибманки уйдаги можаролар, жанжаллар бошида оёқларида зўрга турадиган дадам туради. Арок — медицинадан соғлиқка зарар дейилган. Мен бунга қўшимча қилиб, инсон онгини заҳарловчи ва чиритувчи дейман. Бундан кўпроқ опам ва мен қийналиб яшаймиз. Оиламизда 3 қиз ва 2 ўғилмиз. Икки опам ва акам оилали бўлишган. Уйда эса онам, мен ва 15 ёшли укам қолганмиз. Билмасизми, ҳаммасига кўнардим: дадам ичиб келиб, дунёни бошига кўтариб жанжал қилишига, онамни, мени ва укамни ҳақоратлашига, тун ярим бўлганига қарамай дадамнинг "ўзига ўхшаган меҳмонлар"нинг оқимиға... Аммо дадам ичмаган пайтида айтган гапларига илон пўстини ташлайди. Унинг айтишича, мен "енгил оёқ" қиз эканман, кўчадан ўтган йигитлар менинг эрларим эмиш. Телефон жириглаб қолғудай бўлса, менга: "Югур, биронта эринг телефон қилаётгандир-да", - дерди.

Мен, Худого шукр ўзимга тўғриман! Мен касалхонада ўқув амалиётимни ўтаётган пайтларим дўзма азоби бир пул бўларди. Ичиб келарди-да, акамга: "Буни тезроқ узатиб юбормасанг бўлмайди, биттаси бор эди", - деб мен ҳақимда гапирар, акамнинг олдида ёлғон сўзлар билан синглик номинини топтамоқчи бўларди.

Дадам ўзи ҳеч қаерда ишламаса-да, онамнинг елкасига юк бўлишига қарамай, онамни "ёмон аёл" деб гап таркатади. Опамлар Самарқандда туришади, шунинг учун ҳам йилга 1-2 марта меҳмонга келишади. Шунда ҳам дадамнинг "концерт"идан кўнгилла-

ри хира бўлиб, дарров кетиб қолишад, бу етмагандек атайаб Самарқандга қудалариникига борганда опамларни ёмонлаб: "Келинлик бурчларини адо этмаётган бўлса керак, онаси ҳам шу-да буларнинг", - деб, бўлмагур гапларни гапириб келади.

Бир кун стипендиямни олиб уйга хурсанд бўлиб келдим. Негадир укамнинг таъби хира эди. Сабабини сўрасам, ҳеч йиғламайдиган бола бақириб йиғлаворса бўладики. "Опа, нима қилай? Йигит бўлганимда падарқушлик қилардим, сизни ҳам ўзиним ҳам бу илондан кутқарардим", - деди-да, менга бир варак қоғоз тутқазди. Унда: "Опа, дадам менга: "Ҳали кўрасан Сўғдиёна уйга қўлида хиянинг билан келади", - деди. Опа сизга ишонаман!" - деб ёзилганди.

Мен кўпроқ оғир дамларимда богда айланаман, бу сафар ҳам оёғим уша ёққа тортиди. Йўлда кетаяпману, қўлларим титраб, оёқларим дармонсизланаяпти. Қулоғимда фақат бир овоз: "Ўзингни ўлди..." Йўлга қизиқ қилганимни билмай қолибман. Шу пайт оқ рангли "Нексия" автомобили катта тезлик билан келаятганди. Йўлнинг қоқ ўртасида мени машина уриб, чеккага отиб юборди. Худонинг ишимни — менга унча шикаст етгани йўқ.

Оиламдаги бундай аҳвол мени келажакка бўлган ишончимни, бахтга умидимни сусайтирган. Йигитлар гапирганда уларга ҳатто қарагим ҳам келмайди. Қўрқаман, агар улар ҳам дадамга ўхшаса, мен чидай олмайман. Бахтимни топишни жуда-жуда орзу қиламан. Ахир айтишган-ку Оллоҳ таоло ҳаммага юфт берган деб. Бунга ишонгим келади. Шу ишончгина мени яшашга ундайди.

**СЎҒДИЁНА**

## МУСТАҲКАМ ИРОДА, САБР, ИШОНЧ БЎЛСА...

Шоирахон бошларида му- дом шовқин борлигидан, уни тўхтамаётганлигидан нолиб- дилар. Синглим Шоирахон, бундан сира тушукунликка тушманг. Агар хоҳласангиз сизга битта даво усулини айтмоқчиман.

"Ҳаётда нимани изласанг шуни топасан",- деган ҳик- матли сўз бор. Менинг энг яқин дўстларим китоблар.

Мен машҳур амери- калик шифокор олим Поль Бре- гнинг "Очликнинг мўъжизавий тўхфа- си" китобини севиб ўқийман. Ҳаттоки бу китобни такрор- такрор ўқийверган- нимдан матнлари ёд бўлиб кетган. Бу китобда муаллиф инсон соғлиги, ҳам жисман, ҳам маъ- нан, ҳам руҳан по- ланиш ҳақида кую- ниб содда, илмий фикр юратади.

Синглим Шоирахон, инсон турли озиқ моддалар билан озиқланади. Ўша озиқ модда- лар оғиз бўшлиғидан тўғри ичаккача сўрилиб чиқиб кет- гунича 8-10 метр масофани босиб ўтади. Табиийки бу ма- софада биз еган маҳсулотлар чикиндиси тўпланиб боради, улар ҳазим йўлларида ичаклар- да, бўйрақларда, ошқозонда, тузлар эса аввал товонда сўнг тиззада, белда умуртка суяк ораларида, кўл бармоқ-тир- сакларда ва бўйинда, қаерда- ки ошқ-мошиқ суяклар бор ўша жойда тўпланиб бораве-

ради. Усма-уст ейилган овқат ҳазм бўлиб улгурмасдан тур- ли тан аъзоларига тўпланиб боради ва касаллик бўлиб оғриқ беради. Еш болалар кўз қораси атрофига эътибор бе- риш қаранг: кўз оқлари чуно- нам тозаки, дунёда боланинг кўзидан тиникроқ нарсаинг ўзи йўқ. Сўнг ўзингизнинг кўзларингизга боқинг- кўз оқларингиз тиниқ эмас, доғ

эртага аини шу вақтда бирин- чи қайнатилган сабзавотлар — нўхат, картошка бўлиши мум- кин — салат билан ейилади ва суяқ овқат ичлади. Ҳар ҳафта бир сутка юрилади. 2-3 ҳафтадан кейин кўпайтирилади: 2 суткалик 3 суткалик. Аҳволингизга қараб бу орада тажриба ҳам орттирасиз. Бунга албатта мутахассис назорати остида олиб бориш керак бўлади. Оч- лик сизни танангизда йиллар давомида йи- гилган заҳарли мод- даларни чиқариб таш- лайди. Очликка 1-2 ҳафтада ўрганиб ола- сиз. Агарда очлик да- стурини тузиб унга мунтазам амал қилиб борсангиз бу ва бо- шқа ҳали юзага чиқ- маган касалликлардан батамом қутиласиз. Ибн Сино айтганларидек: "Инсон тана аъзо- лари илминг мукам- мал ўрганмагунча ком- мил инсон бўлолмай-

излар бор. Бу шундан далолатки, ички тана қанчалик соф ёки кирли- гини кўзларимиз айтиб тура- ди. Инсон ҳамиша сабзавот, кўкат, полиз маҳсулотлари би- лан овқатланиши зарур. Ҳами- ша овқатни салат билан бош- лаш керак. Бир ҳафтада бир сутка ёки бир ярим сутка оч юринг. Очлик даврида фақат қайнатилган сув, қатиқ зардо- би ичиб турилади, бошқа ҳеч нарса ейилмайди. Очлик дав- ри соат нечада бошланса ўша вақтда тугатилади. Масалан кундуз 12<sup>00</sup> да овқатландингиз,

ди". Биз ҳам ўз-ўзимизни ўргансак, астойдил изласак бир жойимизга фойда қилса минг-бир жойимизга зарар қилгувчи укол дорилардан кўра энг тўғри даво турлари- ни топарканмиз. Азиз юрт- дошлар, агарда сизни ҳам бу беозор даво усули қизиқтири- б қолган бўлса бир энлиқини мактуб йўлласангиз бақадри имкон маслаҳатга тайёрман.

Муҳиддин ХОЛИҚОВ

Қашқадарё вилояти, Муборак тумани

Акс сано

## АҲИЛЛИККА НЕ ЕТСИН

"Агар мен қайнона бўлсам..."—33-сон

Тошкент вилоятида яшаётган синглим Зийнат! Бошингдан кўп ташвиш ўтганли- гини хатингни ўқиб билиб олдим. "Отга- ни ўқи йўқ, кўргани кўзи йўқ" қайнонанг- нинг гапига чидаб оилангни тўзитай, тагин ҳам яшаб кел- леётганингга, сабр- бардошингга қойил қолмай иложим йўқ, "Жаҳл чиқса ақл ке- тади", - деганлари- дек мен бир варақа- йига бир неча дори- ни ичиб юбордим", - деб ёзибсан. "Шифо- корлар мени ўлим- дан сақлаб қолишди", - деб- сан. Бу ҳам жонга қасд қилиш билан баробар. Болаларинг бахтига омон қолибсан. Бу хатти-ҳаракатинг ноуриндир. "Бургага аччиқ қилиб, кўрпа- ни куйдирди", деган мақолни эсга солиди сенинг бу қилган ишинг.

"Бир кун келиб мен ҳам қайно- на бўлсам, келинга ширин сўз билан "қизим" деб қақир- сам", - деб яхши ният қилиб- сан. Қайнонанг билан бир му- росага келиб яша, охири яхши бўлади. Асабини бузма. Жаҳлинг чиққанда ҳам ўзинг- ни бос, бола-чақангни ўйла.

Қайнонанг сенга ёмон гапир- са, сен унга яхши гапир. Чун- ки ёмонликни яхшилик бир кун енгиб чиқади.

Бу кунлар ҳам ўтар. "Сабр таги олтин", - деб бежиз ай- тилмаган. Қайно- нанг: "Ўйдаги гап кўчага чиқмасин",

**ЭСЛАТМА:** Севишиб турмуш- га чиққандим. Эрим тўйда ашу- ла айтиб пул топади. Лекин қайнонам билан қайнотамнинг ўртасида меҳр йўқ. Овсиним алоҳида бўлиб чиқиб кетгач, қайнонам менга не-не тўхмат- ларини қилмади. Ҳатто эрим билан мени ажратиб юбормоқ- чи ҳам бўлишди. Ҳали яхши кун- лар олдинда, ҳаммаси яхши бўлади, фақат иродали бўлишим керак, деб ўйлайман.

ЗИЙНАТ

- деган мўътабар иборани билмасмикин ё эътибор қил- масмикин.

Тили бу қайноналар билан бирга жаҳлдор қайноналар ҳам учраб турадики, бу ҳол оила тинчини бузиб туради.

Агар қайнона-келин ахил бўлса, ой ҳам ҳавас билан бо- қаркан. Қайноналар шу нарса- га аҳамият беришлари керак- ки, жанжалсиз оилда кут-ба- рака бўлади. Ахилликка не ет- син!

Эй, Оллоҳим! Жаҳли тез-тез чиқиб турадиган, бўлар- бўлмасга келинга захрини сочадиган қайноналарга ўзинг инсоф бергин. "Жаҳли бурни учида" турадиган қайноналар инсофга келиб келинлари би- лан апок-чапоқ бўлиб яшаб юришсин. Омин.

Юнус ТОЛИПОВ, меҳнат фахрийси Тошкент шаҳри

## ЎЗ ҲАЁТИМНИ ЭСЛАДИМ...

Комилахон синглимининг мак- тубини ўқиб, ўзимнинг ҳаётим эсимга тушиб кетди.

Мен асли Наманган вилоя- тининг Учқўрғон шаҳридан бир қишлоққа (номи- ни айта олмай- ман) 1991 йил

март ойида ота-оналаримиз ризоликлари билан келин бўлиб тушдим. Бу хонадон аъзолари 11 кишидан ибор- рат эди. Қайнотам ўтиб кет- ган эканлар. Мен қайнонам ёнларига кириб рўзгор иш- ларига ёрдам бера бошла- дим. Иш ҳақимни олиб қайнонамга берар эдим. Кўрпа-тўшак, кўйлақликлар олиб келиб берардим. Иш- хонадаги ҳамкасбларим: "Ҳадеб ташийверма, бари- бир билмайди. Биз ҳам сен- дақа бўлганмиз", - дейишса, мен: "Йўқ, қайнонам яхши- лар, болаларимга қараяпти- лар", - дер эдим.

Шу тарика кунлар ўта бош- лади. Тўрт қайинглимни турмушга узатди. Лекин ҳар бир тўйда қайнонам бир "за- ҳарларини сочар эдилар". Майли.

Болалар кўпайган сари жан- жаллар ҳам кўпаяверди. Ўша мен турмушга узатишиб қўйган қайингиллар уйга ке- лишганда, қайнонам мени уларга ёмонлаб ўтирар эди- лар. Бир кун ишдан келиб уйда дам олаётган эдим. Та- шқарига чиқиб кечки овқатга тайёргарлик кўриш учун ошхо-

нага ўтдим. Уйда баланд овоз- да мен ҳақимда гапириб, ёмон- лаб ўтиришибди. Қайинглим онасига: "Бошқа уйга чиқариб юборинг, ҳайдаб юборинг", -де-

ди. Бурда нон олиб: "Агар мен эски- ча қилган бўлсам нон урсин", -деб қасам ичдим. Шунда қай- синглим: "Қасамни мен ҳам ичавераман", -деди. Шу кун- дан эътиборан қайнонам мени қўлимдан чой ҳам, овқат ҳам емайдиган одат чи- қарди. Бу қайинглимининг уч боласи бор, менинг ҳам уч болам бор. Мен болала- римга нима олиб берсам, уни болаларига ҳам шуни олиб берар эдим. Охири бўлмади. Жанжаллар кун сайин ортиб борди. Бир ов- синим булардан қочиб бош- қа шахарга кўчиб кетган эди. Шуни уйига кўчиб кел-

**ЭСЛАТМА:** Мен келино- йилар бор хонадонларни фазли, ҳаммаёқ чиннидек ярақлайди, деб ўйлардим. Афсуски... ўз келиноиймни кўриб ҳафсалам пир бўлди. У билан опамдек сирлашиб, билмаганларимни ундан ўрганишни жуда истардим. Аммо...

КОМИЛА

ётган экан. Мен чидаб турол- май уйга кирдим. "Қизлар, оз- гина чидаб туринглор, уй топ- сам чиқиб кетаман", -дедим. Бу уйдаги гапларни ота-онамга бориб айтмас эдим. Шунда қайинглим мени уришиб, уй- нинг бурчагига қисиб худди урадиган одамдай дағдаға қил- ди. Қайнонам бўлса томоша қилиб турар эдилар. Кейин мен қайинглим билан гаплашмай қўйдим. Майли, бу ҳам ўтиб кетди.

Ҳаётда ҳамма нарса бўлиши мумкин экан. Ўзим билан тенг қайинглим эри билан ажра-

шиб келиб уйда ўтирар эди. У менга тўхмат қилди. Гўёки мен қайнонамга иссиқ-совуқ қилиб ичирган эмишман. Бу гапни эшитиб донг қотиб қолдим. Бир

бурда нон олиб: "Агар мен эски- ча қилган бўлсам нон урсин", -деб қасам ичдим. Шунда қай- синглим: "Қасамни мен ҳам ичавераман", -деди. Шу кун- дан эътиборан қайнонам мени қўлимдан чой ҳам, овқат ҳам емайдиган одат чи- қарди. Бу қайинглимининг уч боласи бор, менинг ҳам уч болам бор. Мен болала- римга нима олиб берсам, уни болаларига ҳам шуни олиб берар эдим. Охири бўлмади. Жанжаллар кун сайин ортиб борди. Бир ов- синим булардан қочиб бош- қа шахарга кўчиб кетган эди. Шуни уйига кўчиб кел-

дик. Рўзгор учун ҳеч нарсамиз йўқ эди. Қўшнларимиз қозон беришди. Аста-секин рўзгори- миз бут бўла бошлади. Ҳамма нарсамиз бекаму кўст бўлган- дан кейин болаларни боғчага бердик. Эримнинг уруғлари бирин-кетин бизни томоша қилгани кела бошлади.

Ўша мен билан уришиб юрган қайинглим хозир менга хуш- омад қилиб юрибди. "Энди ҳеч қачон уришмайман, адашган эканман, мени кечиринг", -деб кечирим сўраб келди.

ШАҲНОЗА

## МУҚАДДАСЛИГИЧА ҚОЛСИН ОНАЛАР!

Номаълум йигит, гап тортишиб иккингишни айирган қайнона ва онанинг келин-куёвнинг олдига "ё она, ё ёр?" деб шарт қўйиши, аввало, Оллоҳга ҳам хуш келмайди. "Бир-бирини жуда севади"- ган ёшлар бахтидан, уларнинг ўғилга бўлганидан қувониб турнига икки она ўз бойликлари- га ишониб, бир-бирига ҳеч қачон бўйсунгиси келмай, араз-ураз қилиб, кек сақлаши мусулмон- чилигимизга тўғри келмайди-ку! Онажонлар! Мен кекса онахон- лар номидан хитоб қиламан: Ин- жилик, "сен эмас, мен" қабил- да эркакчасига бас бойлашди, катта кетиш оналарга хос эмас.

Мулоҳаза билан ўйлаб иш ту- тинг.

Ёшларнинг бўлар-бўлмасга уриш-жанжал қилиб ажралиш- лари, етимлар сонининг кўпая- ётгани сизларга таъсир қил- маётган кўринади. Жанжалдан, дилозорликдан ўзга юмушлар- ингиз қолмаган бўлса, бошқа фарзандларингиз ҳақида қай- рунинг, набира тўйлари тарад- дуди билан шуғулланг.

Келинг, муроасага келинглар- да, жигар-ғўшаларингизни баг- рингизга олиб ярашинг, оналар муқаддаслигига қолсин. "Яраш оши"ни йигит қилиб беради.

Афифа ҲАСАН қизи

«Бизни айиришмиқчи»—34-сон

**ЭСЛАТМА:** Хотиним билан севишиб турмуш қур- ганмиз. 2 ёшли ўғлимиз бор. Лекин хотинимнинг онаси ва менинг онам гап тортишиб иккимизни айиришди. Ҳар иккимизга ҳам «Ё она, ё ёр» деган шарт қўйишди. НОМАЪЛУМ ЙИГИТ

## СИЗЛАРГА БАХТ ТИЛАЙМАН

Андижонлик укажон, оналар ҳар доим кечиримли бўлиша- ди. Сизлар онажонларимизга: "Сизни ҳам деймиз, оиламиз- ни ҳам деймиз", - денглар. Ана шунда ҳамма нарса жой- жойига тушиб кетади. Лекин ҳеч қачон бир-бирларингдан айрилманглар. Ахир ота-бобо- ларимиз айтишган-ку: "Би- ринчи бахтим тожу-тахтим, иккинчи бахтим сувларга оқдим", деб. Сиз ўша муқад- дас деб билган онажонларин-

гизга менинг мана шу сўзла- римни ўқиб беринг. Яна так- рор айтман, ҳеч қачон аж- ралманглар, ахир жондан азиз ўғилчангиз бор-ку. "Да- нагидан мағзи ширин", -де- гандек, бувлари ҳам наби- раларини тирик етим қил- маслар. Оллоҳдан фақат сиз- ларнинг ажралмасликларинг- ни тилаб қолувчи опангиз.

Муҳаббат АКБАРОВА Қашқадарё вилояти, Нишон тумани

### У ДУНЁДАН ҚАЙТГАН ҚЎЗИЧОҚЛАР

Аниқ эсимда. Дам олиш куни эди. Биз барча оила аъзолари жамулжам бўлиб чой ичиб ўтирдик.

- Ассалому алайкум!-суҳбатга берилиб кетиб икки кўча нарида яшайдиган келинни айвон рўпарасига келиб қолганини пайқамай қўлибмиз. У қаттиқ ҳаяжонланганми ёки югуриб келганми, ҳар қалай ҳансираб гапирарди. - Мулла ака, қўйим касал бўлиб қолди. Тезроқ, тезроқ бормасангиз ўлиб қолади.

- Дадам раҳматли бир сўз демасдан ўрниларидан турдилар-да, уйга қайриб тезда кийиниб чиқдилар. Кўча эшиги томон тез-тез қадам ташлаб борарканлар менга дедилар:

- Пичоқларни олиб орқамдан юр! Дадам жамоа ҳўжалигининг кўйичилик фермасида даярли чорак аср мудирлик қилганлар. Шу сабабли кўйга алоқадор ҳар хил илтимослар тез-тез бўлиб турарди. Кимдир қўйимни сўйиб беринг деса, кимдир қўйим туғулмаятти, даялик қилиб юборинг, деб илтимос қиларди.

Қўйимни сотиб беринг ёки тўйга қўй олиб беринг дегувчилар ҳам кўп эди. Кўйи шундаки, бу каби хизматлар дадамга ҳеч малол келмас, уларни сидқидилдан бажардилар. Қўйхона олдида зотли ҳисори қўй ётарди. Бу она қўй бўлиб, тўрттала оёғини олдинга баралла узатиб юборган, кўзларини гоҳ очиб, гоҳ юмиб қийинчилик билан нафас оларди.

- Кечкурун тўйда эдим. Болалар уч маҳал бериладиган ивтилган нонни бирданига бериб юборишибди. Узи бир ҳафта нари берисида туғиши керак,-изох берди келин, - аксига олиб ҳўжайиним навбатчиликда эдилар. Кечаси билан ухламай теласида ўтириб чиқдим.

Вақт кўп эди. Угаётган ҳар бир дақиқа қўйни ўлимни яқинлаштирарди. Дадам бир қарорга келдилар шекилли, аёлга юздандилар:

- Менга қаранг келин. Сиз уйда бўлиб туринг. Катта ўғлингизни бу ёққа чакиринг.

Қўйни чалқанча ётқиздик-да, уни орқа-оёқларини кериб мен, олд оёқларидан аёлни ўгли ушлади. Дадам қўйни қорнини ёра бошладилар...

Бунга ўхшаш ҳодисалар тиббиётда уч-

раб туради. Қўзи ёришига санокли кунлар қолган ҳомиладор аёл баъзан оғир хасталикка чалиниб қолади. Болани суний равишда туғдириб олишдан ўзга чора қолмайди. Бироқ унда жарроҳлик бутунлай бошқа шароитда амалга оширилади. Замонавий жарроҳлик столига

ётқизилган онага наркоз берилади. Вужудда рўй бераётган барча ўзгаришлар (қон босими, юрак уриши) тиббиёт ускуналари ёрдамида зийраклик билан кузатиб борилади. Лекин ғайритабиий бу жарроҳликда дадам мени назаримда аввало Аллоҳга, қолаверса қўйчиликдаги узоқ йиллик тажрибаларига суняган бўлсалар керак. Дадам қаққон ҳаракат қилар, юзларидан қилаётган ишларига ишонч ва қатъият ёғилиб турарди. Шу тобда негадир тиббиёт ходимлари ўртасида жуда ҳам машҳур бўлган, жарроҳликда иккиланиш мағлубият билан баробар деган гапни эсладим.

Зум ўтмай дадам қўзичокни суғуриб олдилар. Мен аввалдан тайёрлаб қўйилган илиқ сув билан уни ювиб, бурнига пуфладим. Энди тезлик билан она қўйни сўйиш керак эди. Акс ҳолда у харом ўларди. Дадам қўйни калласи томон бир қадам ташладилар-да, бирдан тўхтаб қолдилар:

- Яна битта боласи борга ўхшайди! Дадам бу қўзичокни ҳам аввалгидек чаққонлик билан суғуриб олдилар-да, менга тутқаздилар. Ўзлари сўнгги нафасларини олаётган она қўйни бўғизладилар...

Орадан анча ўтиб ўша аёлни учратиб қолдим-да, қўзичоқларни тақдири ҳақида сўрадим.

- Деярли нариги дунёдан қайтган қўзичоқларни иккаласи ҳам эркак экан. Иккаласи ҳам дуркун ўсди. Лекин кейинги қўзичоқ дунёга келгунча бироз димиқиб қолган эканми ёки бошқа сабабданми уч ойлик бўлганида нобуд бўлди. Тўнғич қўзичоқ ўсиб катта қўчқор бўлди. Ўшанда Адбувоҳид амакимни ўрнида бошқа одам бўлганида қўзичоқларни иккаласи ҳам ҳалок бўларди. Дадангизни руҳларига тез-тез дуо қилиб тураман,-деди аёл мамнунлик билан.

**Ҳожимурод АБДУРАҲИМОВ**  
Тошкент шахри

### ЎЗБЕКИСТОНДА ЯГОНА БИЧИШ ВА ТИКИШ ЎҚУВ МАРКАЗИ «МОҲИР ҚЎЛЛАР»

Кўйидаги пудлик курсларга қабул эълон қилади:  
● энг замонавий усул асосида осон ва тез бичиш ҳамда ўлчиовиз тикиш - 4 ойлик; ● пардалар, чойшабар - турли хил жиҳозланган, бурмали пардаларни бичиш ва тикиш - 3 ойлик; ● машинада гул тикиш - 3 ойлик; ● аёлларнинг замонавий костюм, пальто ва плащларини бичиш ва тикиш - 3 ойлик. **Дикқат!!! 2001 йил апрелдан бошлаб махсус кичик гуруҳларга ҳам (3-4 кишидан ibорат) қабул қилишмоқда ва ўқитилмоқда.**  
Ҳар кун икки партияда олиб беришни умулди машғулотлар давомида марказ курсларининг ҳар бирини бир ойга ўзлаштирасиз. Ўйитирилганга диплом берилади. Қабул ҳар кун (кешабдан ташқари) соат 10 дан 12 гача.  
Манзилнинг: Пушкин кўчаси, 7-уй, 3-бизнес мактаби, 4-қават, 524-хона.  
Муъалж: Метронинг «Амир Темур» бекати, ДЭУ-Банк. Тел: 76-71-95, 133-73-97 (кечкурун).



### «ХОЛИС-УМИД» ФИРМАСИ замонавий касб-хунар курсларига тақлиф этади:

- КОМПЬЮТЕР САВОДХОНЛИК КУРСЛАРИ:**
  - WINDOWS-2000, Microsoft Office-2000, Microsoft Word-2000, Microsoft Excel-2000, Ms-dos, NC.
  - Акушерлик-6 ой.
  - Ҳамширалик-3 ой.
  - Сартарошлик-3 ой.
  - Бичиш-тикиш (келиндларнинг замонавий либослари)-3 ой.
  - Бухгалтерия ҳисоби -3 ой.
  - Деллар костюм палтоси-3 ой.
  - Парда, лакиривал (замонавий Элита усулида).
  - Инглиз тили (компьютер ёрдамида)-3 ой.
  - Торт ва салат (оддий ва олий курси)-3 ой.
  - Массажистка-2 ой.
  - Эркақлар костюм шими-2 ой.
  - Косметология -2 ой.

**ДИҚҚАТ!** Ҳар бир курснинг тезкор гуруҳлари мавжуд. Машғулотлар ҳафтада 3 марта олий тоифадаги мутахассислар томонидан амалиёти билан олиб борилади. Муваффақиятли битирилганга ДИПЛОМ берилади.

**МАНЗИЛИМИЗ:** «Халқлар Дўстлиги» метроси, «Олмазор» массиви, 8/1-уй, 5-6 йўлаклар, 1-хонадрн, 1-қават. Телефон: 47-09-52, 42-76-06.

### «MODA BELLA»

Сизларга Америкада тайёрланган тўй ва оқшом либослари, қиз болаларнинг кийимлари ҳамда аксессуарларни ижарага тақлиф этади.

**МАНЗИЛ:** Октепа майдони, Есенин кўчаси, 31-уй, 3-хона.  
Тел: 78-47-67 Лиц: № 0918052



### «КАМОЛЕТ-КОМПЬЮТЕР» ўқув маркази тақлиф қилади.

- 3 ойлик курслар:**
  - Инглиз тили
  - Инглиз тили ва компьютер
  - Бухгалтерия ҳисоби ва компьютер билимлари
  - Банк иши ва компьютер билимлари
  - Теле-радио-видео аппаратураларини таъмирлаш устаси.
  - Компьютерларни таъмирлаш устаси
- 2 ойлик курслари:**
  - Компьютер билимлари: (Windows-2000? Ms Office) INTERNET, E-MAIL.
  - Бухгалтерия ҳисоби.
  - Электр жиҳозларини таъмирлаш устаси.
  - Тикиш, бичиш ва моделлаштириш.
  - Элита усулида парда ва чойшабар тикиш.
  - Массаж.

**Курсларни туғатгандан сўнг диплом берилади. Манзилнинг:** Тошкент. Навоий кўчаси-9, «Пищепром» лойиҳа институти биносининг 4-қавати. (ТРАСТБАНКнинг ёнида.) Тел: 58-48-50, 41-33-96

### 2002 йил учун «ОИЛА ВА ЖАМИЯТ»ГА ОБУНА БЎЛИШГА ШОШИЛИНГ!

Республикамизда 2002 йил учун газета-журналларга обуна мавсуми бошланди. Обуна барча алоқа бўлимлари ва матбуот тарқатиш шаҳобчаларида амалга оширилади. Ўйлаймизки, бизнинг ашааддий муҳлисими сифатида газетамизга ўз вақтида ярим йилга, биз йилга обуна бўларкансиз, бизни иқтисодий жиҳатдан, демак ижодий жиҳатдан ҳам қўллаб-қувватлаган бўласиз. **Айтгандай, кўпчилик газетхонларимиз талаб-истақларига биноан 1 октябрдан эътиборан газетамизнинг маълум қисми сотувда 12 варақлик бўлиб, пайшанба кунини чикарлади. Унда Ўзбекистон ҳамда Россия телевидениесининг барча дастурлари берилади. Янги йилдан эътиборан эса, бунада, шунингдек сотувда «Оила ва жамият» икки хил — яъни телевидение дастурлари билан ва дастурларсиз ҳолда чикарлади. Дастурсиз «Оила ва жамият» одатдаидек чоршанба кунини, дастурлиси эса пайшанба кунини чоп этилади. Газета нархи ҳам шунга мос равишда белгиланади. Ҳар қандай ҳолда ҳам Сиз бизнинг қадрдн муҳлисими бўлиб қоласиз, дея умид қилиб қоламиз.**

### БАХТ ҚУШИ

Кундузми, кечасими кўзим илинса бас, албатта туш кўраман. Кўпинча тушларим узук-луқк бўлади. Баъзан учиб юраман тушимда. Ушанда «бир замонлар қуш бўлганиманман»,- деган хаёлга ҳам бораман. Баъзида шу қадар тиниқ, аниқ туш кўраманки, худди ҳушимда юргандай ҳис қиламан ўзимни. Яқинда бир туш кўрдим. Тушимда қишлоқдаги уйимизнинг атрофида бедана ушлаб юрганмишман. Беданалар ҳар тарафдан сайрамим. Мен уларни ушлаб қалғонимга солармишман. Улар йўргаларимшу уча олмас эмиш. Қалғоним беданга тўлди. Бирдан тушим ўзгариб опанингни айвонидаги чорпоёда сеза бошладим ўзимни. Чорпоёда деворга қараб ётгандим, катталлиги мусичадай келадиран, думлари хиёл узун, қанотлари нафис кўк-яшил тусдаги бир қуш учиб келиб, деворга қўнди. У худди капалка ўхшаб гоҳ қанотини ёзади, гоҳ йигади. Кўк-яшил қанотлари ял-ял товланади. Мен секин ётган жойимдан туриб, икки қўлимни унга узатганча яқинлашаман. Унга яқинлашган сайн яқинлашаман. «Учма, учиб кетма, мен сенга озор бермайман»,- дейман нуқул. Уни секин икки қўллаб ушладим. Шу қадар бахтиёрмишманки, хурсандлигимдан кўзларимдан ёш чикиб кетганим. Уни мен «бахт қушим» деб атаримшман. Икки кафтирнинг орасида бахт қуши уйғониб кетдим. Қўрган тушимдан хурсандман, бахт қушини ушладим деб. Садақа беришни дилимга тугиб қўйдим. Уч кунгача ҳеч кимга айтмадим. Тўртинчи кун ҳамкасбимга тушимни айтиб бердим. У кўнглимни кўтариб: «Кўрасиз, бир синаот юз берарди,- дедилар. Ушандан бери кўнглим равшан, ишларим жойида. Худди қушдай энгил сезаман ўзимни. Нахотки тушим ўнг келиб чиндан ҳам бахт қушини ушлаганим рост бўлиб чиқса?..»

Тоҳир НОРИМОВ

### ЁНГИН САБАБЧИСИ — ЁШ БОЛАЛАР

Азиз юртдошлар, табиий бойлигимиз бўлган газдан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланиш бозор иқтисодиётига ўтиш даврида нақадар муҳимлигини ҳар биримиз тушуноғимиз даркор деб ўйлайман. Газдан фойдаланиш қоидаларига амал қилишимиз эса биринчидан ўзимизга, ёнотрофимиздагиларга, молу-мулкимизга эҳтиёткорлигимиз деб биламан. Лоқайдлигимиз, эътиборсизлигимиз оқибатда турли хил кўринишдаги кўнглисизликлар келиб чиқиши мумкин. Сўзимизнинг исботи учун айрим фактларга тўхталиб ўтишни лозим топдим.

2001 йилнинг 8 ойи мобайнида Юнусобод туманида 167 та ёнгин содир бўлиб, қўрилган моддий зарар 999604 сўмини ташкил этди.

Бу ёнгинлар оқибатида 4 киши нобуд бўлди. 3 киши куйиш оқибатида тан жароҳати олди. Ёнгинларнинг кўпчилиги сигарета чекиш, ёки болаларнинг олов билан ўйнаши, газ иситиш печларининг ҳаддан зиёд қизиб кетиши, электр симларининг қисқа туташуви ҳамда қуриган ўт-ўланлар ва шох-шаббаларни эҳтиётсизлик билан ёқиш оқибатида содир бўлган.

Фактларга тўхталадиган бўлсак, шу йил 4 феврал кунин Юнусобод тумани Рафиқов кўчасидаги 25-уйда гач печининг қизиқ кетиши оқибатида ёнгин содир бўлди. Ёнгин оқибатида 100 м/кв майдондаги уй ва ичидаги жиҳозлар ёниб кетган. 5 февралда эса шу туманининг 7-мавзе, 38-

уй, 23-хонадонда ёнгин чиқиб, диван ва уй жиҳозлари ёнган. Уй эгаси 1938 йил турилган 3. Мартеновнинг куйган жасади топилган. Ёнгин сабаби сигарета чекишдаги эҳтиётсизлик бўлган.

16 феврал кунин Юнусобод тумани Ҳасанбой даҳасидаги Бахт кўчаси 43-уйда ёнгин содир бўлди. Ёнгин ёш болаларнинг олов билан ўйнаши оқибатида келиб чиққан.

Шунга ўхшаш фактларни кўп келтириш мумкин. Аммо шу ерда тўхтаб, биз сизларга яна бир бор қуйидаги ёнгин қонун-қоидаларини эслатиб ўтмоқчимиз:

Носоз электр асбобларини ўз вақтида кўздан кечириб, уларни тузатиб қўйиш. Эскирган электр симларини алмаштириб туриш, газ иситиш печлари мўриларини соз-носозлигини текшириб туриш, газ печларини ҳаддан ташқари қиздириб юбормаслик, газ плиталарни устида қирлар қуриртмаслик, ўчирилмаган сигарета қолдиқларини ҳар ерга ташламастик, болаларни уйда ёлғиз қолдирмаслик ва улар билан доимий равишда олов билан ўйнаш оғир оқибатларга олиб келиши мумкинлиги ҳақида суҳбатлар ўтказиб туриш лозим. Ушбу ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилсангиз, ўз уйингизни ва атрофдагилар хавфсизлигини, мол-мулкни сақлаб қоласиз.

**Фатхулла РАҲИМБОВ,**  
Юнусобод тумани ёнгин хавфсизлиги хизмати бошлиғи  
ўринбосари, ички хизмат майори

**Р**авшан ака, мени кечиринг. Сизга зинхор озор бергим йўқ эди. Аммо 9-10 йилдан бери тортган азоб-уқубатларимни сизга айтгим келди, холос. Айтсам тилим, айтмасам дилим қуяди. Аслида ёшлигим ҳам азоб-изтиробларда ўтган. Дадам ароқхўр эди. Дадамнинг ичмаган кунини сира эслай олмайдим. Дадамга ялиниб ёлвориб: "Дадажон, шу ароқни ичманг, ўрнига бир кило гўшт олиб энг", - десак-да, аммо у ичкилиги ичсини сира қўймас эди. Мен учинчи қизлари эдим. Дадам мен туғилганда онамни: "Яна қиз туғдингми", - дея туғруқхонанинг ўзида уриб кетган экан. Нима бўлса ҳам "иккинчи рўзгорим" дея онам бечора ҳаммасига чидаганлар. Менинг асл исимим Муборак. Лекин Қаноат деб аташган. Қаноат қилсак, Худойим бизга ҳам ўғил бериб қолар, деб умид қилишган. Мен 16 га кирганимда ота-онам ўғилли бўлишди. Аммо дадам ҳамон ичар эди. 8-синфни битириб ўқишга кирдим. Аммо 3 йил қандай ўтди, билмадим. Чунки «дадам онамни урмаяптимикан», деган ўй-хаёллар билан тез-тез уйимизга келиб турардим. Ҳаётимизнинг: "Нега кетиб қолаверасан", - деб уришар эдилар. Аммо мен: "Дадам ичадилар, онамдан хавотирланаман", - деб айтолмас, ор қилар эдим. Шундай қилиб 3 йиллик ўқишим тугади. Мен онам ишлаган мактабга ишга кирдим. Охири отам билан онам ажрашиб кетдилар. Мен эса тенгқурларим ва ўртоқларимнинг оталарини кўриб хавас қилар ва эзilib кетар эдим. Мен Худодан ўзимга бахт тилардим. Мен ҳам турмуш курсам, бола-чақали бўламан. Болаларимни ота-она меҳрига зор қилмайман дердим. Аммо пешонамга бахт ёзилмаган экан. Мен ўқишни битириб мактабда дарс берар эдим. У пайтда кимлар менга хавас қилмади, дейсиз. Лекин бировни севмадим. Онамлар, тоғаларим хоҳиши билан сизга турмушга чиқдим. "Никоҳ иссиқ", - деганларини рўст экан. Биз бири-биримиз билан тўйимизни кунни яхши кўришиб қолдик. Сиз учун жонимни ҳам фидо қилишга тайёр, сизни ҳаммадан рахш қилар эдим. Аммо бугунга келиш шу муҳаббат, орзу-хавас ўрнини сизга нисбатан нафрат эгаллаган. Нега деб сўраманг, сиз барибир тушунмайсиз. Чунки сизнинг дунёқарашингиз бошқача, меники эса бошқача. Сизнинг ўз мақсадингиз, ўз тугган йўлингиз йўқ. Уч ой яшаб яшаман биз иккимиз тирикчилик учун Фарғона шаҳрига кўчиб кетдик. У пайтда катта ўғлимизга ҳомиладор эдим. Бирин-кетин икки ўғиллик бўлди. Ёш гўдақларга қарайман деб уларга ўралашиб қолгандим. Онангизга уй ишларида қараша олмас эдим. Онангиз ва сингилларингиз мен ҳақимда бирор нарса дер эди шекилли, мени нуқул турткилаб, ҳақоратларингиз. "Пиёниста алкашнинг қизисан, онанг тул хотин бўлса, сени тоғаларинг чикарғим, борадиган жойинг йўқ, ватангадони қизсан", - дер эдингиз. Эсингиздами? Шунча жанжалларимиз жуда кўп марта бўлди. Мени икки ўғлим билан ҳайдаб юбордиларингиз. Сиз гарчи иккинчи марта уйланишни истамасангиз ҳам ота-онангиз раъйини қайтаролмадингиз.

рнинг", - деб инжиқлик қилганлари ҳали-ҳануз эсимдан чиқмайди. Аммо мен: "Ўғлим, бу сенинг дадангинг тўйи", - дея олмасдим. Айтсам ҳам унинг мурғак қалби тушунмас эди. Менсиз, фарзандларингизсиз яшай олмаслигингиз менга ойнадек равшан бўлгани сабабли ҳам уйланишингизга қаршилик қилмагандим. Кечалари:

пиб уришаверардингиз. Бу уришларингиздан кўни-кўшнларимиз ҳам безор эди. Болаларимиз уриш-жанжалларимиздан кўрқиншарди. Хар доим сиз: "Пулларни тул хотин - онамга ва қамокдаги тоғанга сарфлаб юборгансан", - дердингиз. Сизнинг энг ёмон одатингиз бор эди. Ха, деса "Кўяман, кўяман", - дердингиз, тўғри-

ша чикар", - дедим. Аммо сиз: "Мен картошка, пиёз сотгани номус қўйман, чиқмайман", - дедингиз. Мен ўзим сизни шундай ишқмас-қайсар қилиб қўйдим. Сабаби эрим озгина нарса олгани уялади, деб харажатларни, ҳатто гўшт, ёғни ҳам ўзим оладиган бўлдим. Мен ўзим айбдорман сизни шундай ишқмас, ялқов бўлиб қолишингизга. Уришларимиз борган сари кучайиб, бир-биримиздан кўнглимиз совиб борар эди. Бир куни мол олгани Марғилонга кетдим. 2 қўтида совун олиб келдим. Ўша куни шанба, ҳамма студентлар ўқишдан қайтшаётган эди. Эрим рахш қилади, деб студент қизлар билан тўла маршрутда

# АЙТСАМ ТИЛИМ, АЙТМАСАМ ДИЛИМ ҚУЯДИ



## ДИЛ ИЗҲОРИ

"Эй Художон, сендан биттагина илтимосим бор. Ўзим отасиз бўла туриб, тирик етим бўлиб ўсдим, фарзандларим ота меҳрига зор бўлишмасин, ўз отасини қайтариб бер", - деб илтижо қилар эдим. Худога ҳақ эканман, бировнинг бахтига биров эга чиқа олмас экан. Ўша пайтда бу аёл менинг болаларимни тирик етим қилиб эримга тегмаганда, Худойим унинг ҳам фарзандини етим, ота меҳрига зор қилмасди. 5-6 ой яшаб-яшамай уларни ҳайдаб юбориб, яна мен билан бирга яшай бошладингиз. У пайтда қундошим ҳам хомиладор бўлиб, уйига бориб ўғил туғди. Аммо шунда ҳам бизнинг бирга яшашимизга ота-онангиз қарши эдилар. Шундай бўлса ҳам биз болаларимиз билан биргаликда яна шаҳарга - Фарғонага кўчиб кетдик. Сабаби у ерда тоғамлар яшар эдилар. Бизга уй олиб бердилар. Биз тинч-тотув яшай бошладик. 3-4 йил яшадик. Аммо шу жойда ҳам тинч қўйишмади. Яна биз ота-онангиз уйларига кўчиб келдик. Аммо мен шаҳар ҳаётига ўрганиб, ўзимга хон, ўзимга бек бўлиб қолган эдим. Уйларингизда эса бутунлай бошқача ҳаёт эди, мен бундай шароитга кўнкулмадим. Яна уруш-жанжаллар бошланди ва бизни яна ҳайдашди. Энди эса сиз бузинини йиғиб олган эдингиз. "Мен хотинимни қўймайман, мен у билан чиқиб кетаман", - дедингиз. Биз учун ҳаётнинг энг қийин даври бошланди. Бизларни қишда ҳайдашди. Борадиган жойимиз, қўлимизда бир сўм ҳам йўқ эди. Охири биз бировларнинг уйда ижарада пул тўлаб ўтирдик. Қиш ичда 6 жойга кўчдик. Хар кўчганимизда: "Сени деб мен шундай бўлдим", - деб уришар эдингиз. Ўғилларимиз тўйига деб ташлаб қўйган латталарни сотиб, онам ёрдамида тижорат қила бошладик. У уйдан бу уйга кўча-кўчдан безор бўлиб, қарзга уй сотиб олдик. Аммо сиз барибир қилдан қийқ то-

ми? Буни ҳам тан олгингиз келмайди. Шунча қишда оёғимиздан совуқ ўтиб, ёзда бошимиздан иссиқ ўтиб, қийналиб тоғанимизнинг баракаси бўлмасди. Сабаби, уриш-жанжалларимиздан кўрқиниб, сизнинг энг катта хатингиз - "кўяман" деганларингиз эди. Онам ва тоғаларимга келсак, онам билан савдо қиладиган жойимиз битта бўлса ҳам маҳсулотимиз ва пулимиз алоҳида эди. Вақти келса тушликни онам олиб берар эди. Сабаби ўртада сиз, яъни "куёв" бор эдингиз. Менинг уйим "уй" бўлиб кетиши учун онам бечора қанча ёрдам бердилар. Аммо сиз билмадингиз. Сизнинг онангиз бизга ёрдам беришмаса ҳам, "Болам, бу қийинчиликлар ўткинчи, сабр қилинлар", - деб сизга бирон бор насиҳат қилмадилар. Шундай қийналган кунларимиз бўлганки шунда ҳам уйлариңизга битта нон сўраб бормадик. Ота-онангизнинг ҳам орзу-хаваслари йўқмиди: "Болаларимни уйи - уй бўлиб кетсин, озгина ёрдам берайлик, ахир. Булар ҳам тўртта қосани эгаси, битта кичик оила", - дейишмади. Сиз тобора ўзгариб борар эдингиз, ҳатто қорнимизга, рўзгорга харажат қилиб чиқинг деса, сиз: "Мен бозорга бормаيمان, оз олгани уяламан", - дер эдингиз. Бора-бора бутун рўзгор ташвиши ўз бошимда қолди. Сиз тижоратга оз-моз ёрдам берар эдингиз. Ишонасизми, бозордан уйга қайтсам чарчаганимдан оёғим қалтирар эди. Тўғри бозорга чиқганимдан бери сизга тузуқроқ қарай олмадим. Вақтида уй-жойларимга ҳам қарай олмадим. Вақтида иссиқ овқатингизни қилиб бера олмадим. Аммо сиз: "Рўзгорни уудалаб, сен уйда ўтир, бола-чақага, уй-жойга қара, мен эса ишга чиқай, келишимга овқат қилиб ўтир", - демадингиз. Мен ҳам аёлман, мен ҳам инсон эдим. Мен ҳам уйда ўтириб бола-чақага, уй-жойимга қараб, келишингизга иссиқ овқатлар қилиб, ҳурматингизни жойига қўйиб ўтиришни истардим. Сизнинг бир оғиз ширин сўзингизга зор бўлиб, уйга киргани безилардим. Чунки сиз: "Сен хотин эмасан, уй-жойга, бола-чақага, менга қарамайсан, бу уйда иссиқ овқат бўладими ўзи?", - деб хар кун уришар эдингиз. Бизнинг уришмаган кунимиз бўлмаган. Сизга кўп марта: "Сиз ҳам бозорга чиқинг, картошка, пиёз сотсангиз ҳам фойдаси қорнимизга яра-



**ЮРАГИМГА ЯКИН  
ОДАМЛАР**

Мени ўриб кўйинг соғинч тўрига,  
Мени асраб кўйинг севинч кунига.  
Йўқлаб кўйинг фақат бахтнинг тўйига,  
Юрагимга якин - азиз одамлар.

Миннат эшигини очманг юзимга,  
Соғинч ёшларини кўйманг кўзимга.  
Айтинг камларимни фақат ўзимга,  
Юрагимга якин - азиз одамлар.

Дафтарга томсалар дил нолаларим,  
Кўпайса сочда оқ толарларим.  
Сизга суянгайман дил ҳамдамларим,  
Юрагимга якин - азиз одамлар.

Мени берманг ёлғизлик салтанатига,  
Қалбимни едирманг оч сукунатга.  
Бугун зор, муҳтожман сиздай улфатга,  
Юрагимга якин - азиз одамлар.

Бугун мен бугдой сўз тусаб турибман,  
Оловдек меҳрингиз кўйманг турибман.  
Сизни деб оламда яшаб юрибман,  
Юрагимга якин - азиз одамлар.

**АЁЛГА БАХТ БЕРГИН, ОЛЛОҲИМ**

Аёлга бахт бергин, Оллоҳим,  
Ўзларга кўрмасин синиқ табассум.  
Юзлар асра уни пушти-паноҳим,  
Ахир у жуда ҳам нозигу, маъсум.  
Йимонли ҳамроҳ бер, хор айламасин,  
Бир буюм қатори қўрмасин уни.  
Илиқ бир сўзига зор айламасин,  
Муте бўлиб ўтмасин умри.  
Соғлом, оқил фарзандлар бергин,



**ИЛК СЕВГИМИЗ**

Азизим, сен бугун нолиб ўтирма,  
Куйиб ўтди дема, энг гўзал ёшим,  
Бошимга бемаҳал қор ёғди дема,  
Шу — сенинг бардошинг,  
менинг бардошим.

Кўшиқлар куйладим, шеър ёздим ёним,  
Гарчи фироқ тўнин елкамга осдим.  
На сени кутолдим, на кеча олдим,  
На сен томон бир қадам босдим.

Севдиму севилдим дея қувондим,  
Муҳаббат атадим сазойи оҳим.  
Юз йиллар куймакка лойиққир,  
Бу — тоза гуноҳинг, менинг гуноҳим.

Йўллари йироқнинг кўнглидир йироқ,  
Мен унга малҳами сўз тополмадим,  
Бу телба руҳимни қанча овутмай,  
Барибир мен сени унутолмадим.

Нима десанг дегину азизим аммо,  
Таъна тошларидан асрагин ишқим,  
Ахир у бир умр бизни сийлаган  
Бу — сенинг илк севгинг,  
менинг-да севгим...

Бемор боқиб саргаймасин юзлари.  
Дунёнинг камлари битмайди аммо,  
Бевақт ёшга тўлмасин қора кўзлари.  
Аёлга бахт бергин, Оллоҳим,  
Бахт бермас экансан, нега яратдинг.  
Хас ярат, тош ярат уни яратма,  
Кечир, гуноҳқорман, кечир Оллоҳим.

Малоҳат РАФИҚОВА

**(Боши ўтган сонларда)**

Кечалари билан миҳжа  
қоқмасдан чиқар эдим. Сал кўзим уйкуга  
кетди дегунча, тушларимга фақат А. акам  
кирар эдилар. Тушимда у киши билан бахт-  
ли ҳаёт кечирар эдик, фақат кулишиб,  
хурсанд бўлиб, тоғларда, боғларда юрар  
эдик. Қарангки, «Қиз болани туши тес-  
қари келади», деб бекорга айтишмаган  
экан. Дадам бир неча марта А. акам бил-  
лан иккаламизни ўтқиздириб олиб: «Ик-  
калангни юз-кўзингга айтиб кўяй, агар Р.  
сени деса бизни оиламиздан воз кечи-

**О. МУҲАББАТ**

йигитим). А.ни унут. Мен  
ҳаётда қанчалик қийналга-  
қоқмасдан чиқар бор. Энди ёшим 47 га  
борганда ҳам мени азобларга кўймагин,  
болам. Мен ишонаман, сен Х. билан бахт-  
ли бўласан, сени бахтли-тахтли қила-  
ди. Ҳўпми, жон болам, оёқларингга ётиб  
ёлвораман, фақат бизни десанг А. акам-  
гни юрагингдан чиқариб ташла. Бирга  
бўлишинглар насиб қилмаган экан, пешо-  
нангга Х. ёзилган экан», - дедилар. Бир  
соатлар тинимсиз бир-биримизни кучоқ-  
лашиб йиғладик. Онамни ёлвориблари-  
га, азобланишига юрагим  
бардош беролмади. Онам-  
ни шу пайтгача ҳаёт азоб-

**СИЗДАН КЕЧИШ  
МЕНГА ОСОН БЎЛМАДИ...**

ши керак. Ҳеч қандай тўй ҳам қилиб бер-  
майман. Оқ фотиҳа ҳам бермайман. Мен  
у дунё-ю бу дунё рози эмасман», - деб  
айтдилар. «Бугундан бошлаб бир-бирин-  
глардан воз кечинглар. Бўлди, ҳамма-  
сига нуқта кўйинглар», - дер эдилар.  
Бу севгимизга нуқта кўйиш дадам учун  
ниҳоятда осон эди. Лекин мен буни та-  
саввур ҳам қилолмасдим. А. акамсиз  
мен учун ҳаёт зерикарли ва мазмунсиз  
эди.

Ушлас, ўша пайтлари уйимизга бош-  
қа бир йигитдан совчи келаятган эди. У  
йигитнинг ўзи ҳам келиб ота-онамни  
ҳолу-жонига кўймай юрди. У йигит ўзи-  
мизнинг вилоятдан эди. У йигит мени  
дугонамнинг тутилган куниди кўриб, се-  
виб қолган экан. Икки йилдан бери ол-  
димга келавериб, жонимга тегиб кетган-  
ди. А. акам билан танишмасимиздан бир  
йил олдин мени ҳоли-жонимга кўйма-  
ётган эди. У йигит мен орзу қилган йи-  
гитлардан эмас эди. Шунинг учун бўлса  
керак, у билан гаплашгим келмасди. Мен  
уни ёқтирмастим, мени тинч кўйи-  
шини неча маротаба тушунтирдим. Ле-  
кин мени эшитмасди ҳам. Охири мен  
рози бўлмаганимдан кейин ота-онам бил-  
ан гаплашди. Ота-онамга у йигит ёқди.  
Балки ўзимиздан бўлгани учундир. Бил-  
мадим, менга ёқмаган йигитдан совчи  
келди. Шу пайтларда А. акамдан ҳам со-  
вчи келиб юрган эди. Дадам аччиқ усти-  
да мени у йигитга фотиҳа қилиб кўйди-  
лар. Фотиҳа бўлишимдан ўн кун олдин  
онамга яна тушунтиришга ҳаракат қилдим.  
Онам бечора мен эрталаб ўқишга кетган-  
дан кейин дадамни ёнига ўтириб,  
менинг гапларимни айтибди: "Дадаси  
майли, мен розиман, севганига берайлик,  
бахтли бўлишин. Ахир бу йигитга умум-  
ман кўнгли йўқ-ку, эртага қандай қилиб  
яшайди у йигит билан. Ундан кўра узоққа  
турмушга чиқса ҳам бахтли бўлса — бу  
бизни бахтимиз-ку", - деб тушунтирган  
экан. Дадамнинг тагин жаҳли чиқиб онам-  
ни дўппослай кетдики. «Яна бир марта  
шу гап юзасидан оғиз очсанг, қизингни  
ҳам, сени ҳам ўлдираман»,-дея онамни  
хаф қилибди. Уқишдан уйга қайтиб кел-  
сам, онамни тоблари бўлмади ётган экан-  
лар. Онамнинг аҳволини кўрдиму юрагим  
чидай олмади. Онамнинг бағрига ўзимни  
отдим, унсиз йиғладим. Онам ҳам мен бил-  
лан бирга аччиқ-аччиқ кўз ёш тўқдилар.  
Онам мени тинчлантириб, шундай деди-  
лар: «Қизим, агар мени она десанг А.  
акангдан воз кечасан. Мени тўғри тушун-  
гин, сен учун қўлимдан келган ҳаракатни  
қилдим. Дадам кўнмади. Илтмос, Х.га  
турмушга чиқ (ҳозирги фотиҳа қилинган



лари қийнагани етмаганидек, бизни  
энди вояга етказдим, энди ҳузур-ҳало-  
ватини кўрай, болаларимни бахтини  
кўрай деганда, мен яна азоб-укубатлар-  
ни бошига солишни хохламадим. Нои-  
лож онамнинг кўз ёшлари, фақат онажо-  
нимнинг изтиробларигина мени А. акам-  
дан воз кечишга мажбур қилди. Ҳа дўстла-  
рим, мен онажонимга: «Бошқа А. акамни  
демайман», - дея сўз бердим. «Онажон,  
илтимос, фақат сиз йиғламаңг. Сиз нима  
десангиз, шу бўлади. Сизни сўзингизни  
икки қилмайман. Кимга хоҳласангиз бе-  
ринг»,-дедим. Бу сўзларни айтдим, ле-  
кин ич-ичимдан қон йиғладим. Ҳа, мен фа-  
қат онажоним учунгина, азиз инсоним —  
севгимиздан воз кечдим. Икки кундан  
кейин Х. келган экан, мен уйда йўқ эдим,  
«Қизимиз рози»,-деб юборишибди ва  
мени Х.га фотиҳа қилиб кўйишди.  
Уша кундан бошлаб ўзимни ўзим идо-  
ра қилолмай қолдим. Уқишдан кейин  
худди телбалар каби А. акам билан ай-  
ланган жойларимни, кўчаларни, ҳатто  
ўтирган ўриндиқларимизни бориб кўриб  
келар эдим. Қаерда юрганнимни, нима  
қилаётганимни, ҳатто соат неча бўлиб  
қолганини билмас эдим. Алламаҳалда  
уйга кириб келар эдим. Онам аҳволим-  
ни кўриб росаям эзилди кетди. Ўзим ти-  
рикману, лекин мурдадай бўлиб қолдим.  
Юрагим эса музлаб қолди. Фақат ўзим-  
га-ўзим савол берар эдим. Мен нима-  
лар қилиб кўйдим, тўғри иш қилдимми,  
онамни гапига кириб?

(Давоми бор)

«Оила ва жамият» газетаси тахририяти Олий мажлис депутати  
Р.Б. Йўлдошевага ўғли  
Руфат Йўлдошевнинг  
бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

**АЙТСАМ ТИЛИМ,  
АЙТМАСАМ ДИЛИМ КҲЯДДИ**

**(Боши 7-бетда)**

Майли буни ҳам йиғлаб-сиқтаб,  
бир амаллаб узиб оларман. Аммо  
юрақдаги жароҳатни тузатиб бўл-  
мас экан. Мен кўп ўйладим, мени  
шунча қарзга ботириб ташлаб кет-  
ган эр эр бўла олармикан деб... Ўн  
ойдан бери икки бола билан, қарз  
билан хотиним қийналмадимкан,  
деб ўйламадингиз. Тўғри, келиб  
кўйинимни пуч ёнғоққа тўлдириб ке-  
тар эдингиз. «Келинг бирга яшайлик,  
қарзларни бирга узайлик бола-ча-  
қаларимиз орзу-хавасини кўрайлик»,  
- деб неча бор уйингизга бордим.  
Аммо сиз онангиз, қариндош-уруғ-  
ларингиз билан бирга: "Энди сенга  
эр керак бўлдимми?" - деб ҳар гал рад  
этингиз.

Мен ҳам чиройли, келишган аёл-  
ман. Аммо ҳамма қарзларимни  
ҳалоллик билан уздим. Шу қарзлар  
туфайли қанчалик қийналганларим-  
ни билсангиз эди. Хар қийналган  
пайтларим сизга нисбатан нафратим  
ошарди. Сизга бўлган муҳаббатим  
ўрнини аста-секин нафрат эгалла-  
ди. Бу нафратимни ҳеч қачон юва  
олмайсиз, қалбимдаги жароҳат зар-  
баси бир умр тузалмас керак. Яна

уялмай-нетмай 10 йил бир ёстққа  
бош кўйиб, мени бўлмағур гап-сўз  
қилганларингиз-чи... Йўқ, энди мен  
сиздан нафратланаман, мен энди кеч  
бўлса ҳам сиз билан яшай олмасли-  
гимни сездим, афсус кеч сездим...

Хозир ёшим 29 да. Мен ҳам дунёда  
бахтли, саодатли яшашни, биргалик-  
да болаларимизнинг орзу-хавасини  
кўришни истар эдим. Аммо гишт  
қолипдан кўчиб бўлди. Энди кўнглим  
созиб, тошдек қотиб бўлган. Аммо  
сизга бахт тилайман, уйланган бахт-  
ли бўлишингизни тарафдориман,  
сиз ҳам менга бахт тиланг. Мен ҳам  
ўз бахтимни синаб кўрмоқчиман, мен  
ҳам бахтли бўлишни истайман.  
Мана, кеч бўлса ҳам судга ариза  
ёздим, сиз билан ажрашмоқчиман.  
Болаларимиздан хотиржам бўлинг,  
мен шуларни деб турмушга чиқаман.  
Лекин бировнинг бахти эвазига эмас.  
Мен хотинини кўйганга, бола-чака-  
си борга эмас, бола кўрмаганга те-  
гаман. Сиз ҳам менга бахт тиланг.  
Мен сизни кечира олмайман, сизни  
юрагимдан юлиб ташладим.

**МУБОРАК,**

тўғрироғи — ҚАНОАТ

Фаргона вилояти

**Оила ва жамият**  
Муаллиф фикри тахририят нуқтаи  
назаридан фарқ қилиши мумкин. Фой-  
даланилмаган кўл ёзмамалар таҳлил  
қилинмайди, муаллифларга қайтарил-  
майди, ёзма жавоб қилинмайди.  
Газетадан кўчириб босилганда  
«Оила ва жамият»дан олинганлиги  
албатта кайд этилсин.

**БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА**  
Қабулхона: (Тел. ва Факс) 133-28-20  
Бош муҳаррир ўринбосари: 133-04-35  
Котибият, хатлар: 34-25-46  
Табриқлар, эълонлар: 133-04-50  
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмақо  
наси. Манзил: Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.  
Босишга топшириш вақти - 20.00  
Босишга топширилди - 20.00  
Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

**ХОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи»**  
Акционерлик компанияси  
**ОБУНА ИНДЕКСИ** - { яққа обуначилар учун 176  
ташкилотлар учун 177  
Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида  
№ 33 рақам билан руйхатга олинган.  
Буюртма Г - 2926. Формати А-3, ҳажми 2 босма тобоқ.  
Баҳоиси эркин нарҳда. Адади — 30 000  
Саҳифаловчи — Жаъфар ЖАББОРОВ.  
Рассом — Набижон ХОЛМУРОДОВ.  
Навбатчи - М. СОДИҚОВ.